



HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Alifbet Navoiy nomidagi Uzbekiston MK

Gazeta 1996-yil dekabrda chiqarib boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www.uzhurriyat.uz * 2019-yil 19-dekabr, payshanba * № 49 (1160)

САФАР АКА ДУНЁСИГА БИР САФАР



Муаммони кўтариш бирламчи ҳолат, унинг ечимини билиш эса асосий мақсаддир. Шу маънода Сафар Остон сўнгги давр ўзбек журналистикасида ҳуқуқ мавзусида ёзадиган, бу тизимни соҳа мутасаддиларидан кам билмайдиган камдан-кам журналистлардан бирidir.

⇒ 4-бет

ҚОЗИЛАШГАН ҚАРИНДОШ БЎЛМАС



Қизиқ, бу каби низоларнинг маънавий ечими қаерда, деган савол туғилади. Наҳотки, бундай инсонлар ўтган умрини орта қайтариб бўлмастлигини тушунмасалар?! Турмушдаги ижтимоий ва мулкий низоларни суд, албатта ҳал этади.

⇒ 6-бет

“ШОИР АВВАЛО ШАХС БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ!”



Дунёни англаш бадий адабиёт мутлоаси ва уни ўрганиш асосида шаклланади. Шу ҳисобда, биз мағриблиқлар учун Ўзбекистон ҳам нафақат тарихий, балки адабий объект сифатида намойён бўлади. Ўзбек адабиёти ўз маданиятинигина бадият ила қориштирадиган адабиёт эмас.

⇒ 8-бет

Тўхфа

“Беш ташаббус — беш китоб”

лойиҳаси асосида нашр этилган асарлар кенг оммага тақдим этилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 3 август куни мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашув ўтказганда миллий маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизни ривожлантириш билан боғлиқ долзарб масалалар, уларни ҳал этиш йўллари, бу борада ижодий уюшмалар ва давлат ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар ҳақида атрофлича фикр билдирганди.

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи қалами ўткир ижодкорларнинг тўпламларини чиқаришда амалий ёрдам бериб келади. Ушбу нашриёт эзгу ишларнинг мантқиқий давоми сифатида “Беш ташаббус — беш китоб” лойиҳасини амалга оширди.

Президентнинг жорий йилда Сирдарё ҳамда Наманган вилоятларига қилган амалий ташрифи давомида мазкур ҳудудлардаги туман ва шаҳар кутубхоналарига бир неча юз минг нусхада бадий адабиётлар етказилиб, “Маърифат

мўъжиза”, Исажон Султоннинг “Қорақуш юлдузининг сирини”, Зулфия Қуролбой қизининг “Аёл”, Луқмон Бўрихоннинг “Марҳаматли кун”, Назар Эшонқулнинг “Момоқўшиқ” китоблари эндиликда китобхонларнинг сеvimли асарлари ўрнидан жой олишига шубҳамиз йўқ.

— Фафур Фулом нашриёт-матбаа ижодкорлари Президентини Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ва Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида “Беш ташаббус — беш китоб” лойиҳаси



карвони” ташкил этилган. Ушбу лойиҳа асосида ёшлар учун 25 минг донга китоб, 80 турдаги спорт жиҳозлари ва мусиқа асбоблари етказиб берилган. Мазкур 5 ташаббус кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган сир эмас. Эндиликда ушбу тажриба юртимизнинг барча ҳудудларида кенг жорий қилинмоқда.

Турли зиддиятлар кучайиб бораётган бугунги дунё манзараларида ёшларимизнинг маънавий иммунитетини кучайтириш, уларнинг бўш вақтини маъмул ўтказиш ҳар қачонгидан ҳам долзарброк эканини замоннинг ўзи кўрсатиб турибди. “Беш ташаббус — беш китоб” доирасида чоп этилган китоблар ўзининг долзарблиги билан ҳам аҳамиятлидир. Замонавий адабиётнинг пешқадам ёзувчиларидан беш нафари бўлган Абдуқоюм Йўлдошевнинг “Қайдасан,

асосида менинг “Қорақуш юлдузининг сирини” номида “Генетик”, “Боқий дарбадар” романларим ва бир нечта ҳикояларим чоп этилди.

Асарлар чоп этилгунга қадар кўп чиғирқлардан ўтди. Масъул муҳаррирларнинг синчковлик билан олиб борган ишларини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Китобларнинг беш ташаббус бўйича уйғунлаштириш ишлари ҳам кўп меҳнатни талаб қилди. Беш бармоқни йиғсангиз битта мушт бўлади деганларини дек, бизнинг ҳам мақсадимиз ёшларни китобхонликка қайтариш ва маънавиятини оширишдан иборат. Эндиликда ушбу китоблар мактаб ва университетлар, ижод мактаблари ва ташкилотларда “маънавият соатлари”да таништирилади ва тарғиб қилинади, — дейди ёзувчи Исажон Султон.

Феруза РАХИМОВА, “Hurriyat” мухбири.



“Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар” республика танлови ғолиблари тақдирланди

Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрида “Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар” республика танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда сўзга чиққан Ўзбек миллий мақом санъати маркази бош директори Соибжон Бегматов бугунги кунда мақом санъати ривожини йўлида қилинаётган ишлар ҳақида гапирди.

Бу йил илк бор ўтказилган мазкур танлов ўзбек мусиқа ижрочилиги маданиятини янада юксак даражага кўтариш, миллий мақом санъатимизни дунё сахнасига олиб чиқиш, иқтидорли ёшларни кашф этиш, рағбатлантириш ва уларнинг ижодини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Мутахассислар фикрича, танлов, ўз навбатида, мақом ижрочиларининг истеъдоди ва ижодий қобилиятини кенг намойён этиш, уларнинг ижрочилик кўникмаларини янада ривожлантириш, ижодкорлар орасида

мақом санъатига бўлган қизиқишни оширишга ҳам хизмат қилади.

— Танловда «Сеғоҳ» мақом йўлида яратилган асаримиз билан иккинчи ўринни қўлга киритдик, — деди Ўзбекистон халқ хофизини Эркин Рўзиматов. — Мақомга қанчалик яқинлашган сайин уни шунчалар кучли англайсан, бутун борлигин билан хис қилиш даражасига эришсан. Мақом шундай нодир нарсаси, у киши қалбини маҳз этади, сўнг эзгулик сари бошлайди. Мана 40 йилдан буён шу санъатнинг сеҳрига ошуфта

бўлиб юрибмиз. Танловларнинг катта-кичиги бўлмайди. Ижодкорга оддий рағбат ҳам бир дунё илҳом беради.

Танловда бастакорлар ўртасида “Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар”, композиторлар ўртасида “Миллий мақомлар асосида яратилган замонавий йўналишдаги энг яхши саҳна асари”, мусикашунослар ўртасида “Мақом соҳасида яратилган китоблар” йўналишлари бўйича ҳам ғолиблар тақдирланди.

Танлов ғолиблари диплом ва пул мукофоти билан тақдирланди. Ғолиблар 2020 йил сентябрь ойида II Халқаро мақом санъати анжуманида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

“Мақом йўлларида яратилган энг яхши асар” республика танлови икки йилда бир марта ўтказилади.

Дилобар МАМАТОВА, ЎЗА мухбири. (ЎЗА фотоси).

ЯНГИЛИКЛАР • ХАБАРЛАР • ВОҚЕАЛАР

Давлатимиз раҳбари — Японияда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Японияга борди.

«Ханэда» халқаро аэропортида Ўзбекистон Президентини Япония таълим, маданият, спорт, фан ва технологиялар, таълим тизимини тиклаш масалалари вазири Хагиуда Коичи, Япония Ташқи ишлар вазирлигининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Хидеки Уяма ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

Кеча Токиода Япония Бош вазирининг ўринбосари, молия вазири Таро Асо, Япония парламентининг Ўзбекистон билан дўстлик лигаси фаоллари ҳамда Япониянинг етакчи компания ва банклари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Аждодларга муносиб ворислар беллашуви

СУРХОНДАРЁ. Термиз шаҳрида вилоят ҳокими соврини учун Мулоффа вазирлигининг воҳадаги ҳарбий хизматчилар ўртасида “Амир Темур ўғлонлари” ва “Жалолиддин Мангуберди ворислари” номидаги вилоят танлови бошланди.

Танлов ҳарбий хизматчиларнинг китобхонлик ва китоб мутлоаси, от миниб маҳорати, бахшичилик ва дostonчилик, тасвирий санъат йўналишлари бўйича ўтказилмоқда. Унда тадбирнинг ҳарбий қисм ҳамда гарнизонлар босқичларида ғолиб бўлган иштирокчилар ўз билим, маҳорат ва истеъдодини намойиш этаётди. Танловда биринчи ўринни эгаллаган ҳарбий хизматчилар 10 миллион сўм, иккинчи ўрин учун 7 миллион ва учинчи ўринни қўлга киритган иштирокчилар эса 5 миллион сўм пул мукофоти ҳамда диплом билан тақдирланди.

Махсус ўқув машқлари

Навоий. Ўзбекистон ички ишлар вазирининг кўрсатмасига асосан 13-15 декабрь кунлари Навоий вилояти ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари раҳбарлигида «Бошқарув органлари, ҳарбий қисмлар ва муассасаларининг юқори жанговар шайлик даражасига келтириш, ҳамкорликдаги кучга эга тузилмаларнинг бўлинмалари билан ҳамкорликда Хатирчи тумани хавфсизлигини таъминлаш» мавзусида махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди.

Ўқув машқи даврида туман ҳудудида киришга уринган жиноятчиларни тўсиш ва уларни қўлга олиш, туман ҳудудини тўсиқ постлари ёрдамида қуршаб олиш, оммавий тартибсизликларни бартараф этиш, аҳоли яшаш хонадонларининг бирида ис газининг тарқалиши ва ёнгин чиқиши оқибатида жабрланганларни қўтариш, қўриқланадиган объектларда фавуқлода вазиятлар содир бўлганда мудоффа режасини ҳаракатга келтириш, аҳоли яшаш пункти ҳудудида яширинган қуролланган жиноятчиларни излаб топиш ва уларни қўлга олиш бўйича махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди.

ЎЗ мухбирларимиз.

Тажриба

Матбуот хизматлари қандай ишлаши керак?

Жорий йилнинг 23 сентябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳамда Буюк Британия ва Шинмолий Ирландия Бирлашган Қироллигининг Вазирлар Маҳкамаси котибияти ўртасида Меморандум имзоланди. Унда мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотлар матбуот хизматлари раҳбарларининг малакасини ошириш борасида ҳамкорлик алоқалари кўзда тутилган эди. Ушбу ҳамкорлик доирасида Президент Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида британиялик мутахассислар юртимиз вазирлик ва идораларининг матбуот хизмати раҳбарлари учун малака ошириш семинари ўтказди. Қуйида ушбу семинар доирасида олинган маълумотлар ўз аксини топган.

ОАВ эркин бўлган жамиятда журналист ҳар қандай савол билан давлат идораларига мурожаат қилиши мумкин. Шунга яраша давлат идора-

лари матбуот хизматлари ходимлари ҳам саволларга жавоб беришга доим тайёр бўлишига тўғри келади.

Ҳамид Олимжон таваллудининг 110 йиллиги

Ижод, ибрат ва фикрат мактаби


XX аср тарих силсиласида инсоният бошига икки жаҳон урушини солган, бу билан ҳам кифояланмай, қанча-қанча халқлар ҳаётига турли қирғин ва балоларни ёғдирган аср бўлиб қолди. Шунинг баробарида, у ҳеч бир асрда кўрилмаган техника тараққиётига эришилган космик парвозлар давридир.



ОБУНА — 2020



Келгуси йил учун обуна давом этмоқда. Азиз юртдошлар, “HURRIYAT” га ошно юраклар — сеvimли нашрингизга обуна бўлинг! “Ўзбекистон почтаси” АЖ ва “Матбуот тарқатувчи” АК филиаллари ҳамда бошқа корхоналар орқали обунани расмийлаштиришингиз мумкин.



Сўз ва иш бирлигини таъминлаш — бош мақсадимиз!

Табиат билан жамият ўртасидаги муносабатларда мутаносиблик сезиларли даражада бузилмоқда. Инсон шахсий манфаатларига асосланиб фаолият кўрсатиши оқибатида дунёнинг турли бурчакларида табиий офатлар: сув тошқинлари, зилзилалар, ўрмон ёнғинлари ва бошқа шу каби талафотларнинг рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Инсон табиий муҳитга таъсир этар экан, унинг ўзи ҳам "акс таъсир"га дуч келмоқда. Эндиликда инсоннинг соғлом табиий муҳитда яшashi жиддий муаммога айланмоқда. Мана шундай салбий таъсир кўрсатадиган ва кўрсатаётган омиллардан бири — Орол фожияси.

ОРОЛ МУАММОСИ — ОЛАМ МУАММОСИ

Турганбай ХОЖАНАЗАРОВ, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси.

Ўзбекистон Экологик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 7-Орол сайлов округидан номзод:



— Яқин ўтмишда жаҳондаги энг катта қўлларнинг тўртинчиси бўлган Орол денгизининг қуриши дунёдаги энг йirik экологик фожиялардан бири бўлиб, нафақат, Ўзбекистон, балки минтақадаги барча давлатлар учун қатор экологик, иқтисодий-иқтисодий, тиббий ва гуманитар муаммоларни келтириб чиқарди. Балайқилик тараққий этган денгиз ўрнида майдони 5,5 миллион гектарга тенг бўлган қум-туз чўли янги "Оролқум" саҳроси пайдо бўлди. Қуриган денгиз тубидан кўтарилган қум ва туз бўронлари борган сари авж олмақда. Худуддан ҳар йили бир неча минг километр масофага 100 миллион тоннадан ортиқ қум ва туз зарралари тарқалмоқда.

Орол фожияси минтақадаги иқлим шароитини оғирлаштириб, ёз даврида қуруқлик ва жазираларни қулайтириб, совуқ ва қақшатқич қишларни узаётган юборди. Мутахассисларнинг баҳоратида кўра, 2035-2050 йилларга келиб минтақадаги ҳаво даражаси ҳозирги кўрсаткичларга нисбатан яна 1,5-3 даражага ўсиши мумкин. Бундан ташқари, Орол фожиясининг таъдидий таъсири бутун дунёда кузатилаётган. Юзага келган муаммолар жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётгани бежиз эмас, албатта.

Орол муаммоси унинг биосфера, аҳоли турмуш шароитлари ва генфондида таъсири қамрови туфайли глобал тус олмақда. Бу ҳудудда дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун бир неча миллиард доллар сарфланган бўлса-да, улар қўтилган самарани эришмади. Боз устига, қарийб ярим аср мобайнида жаҳон ҳамжамиятини Орол фожияси ва у келтириб чиқарган экологик, иқтисодий-иқтисодий муаммоларнинг гувоҳи бўлиб келмоқда. Минг афсуски, Орол фожиясини бартараф қилиш, унинг салбий оқибатларини юмшатиш, ҳудудда экологик барқарорлиқни таъминлаш бўйича кўзга кўринадиган, кардинал ҳал этувчи ишлар деярли бўлмади.

Этироф этишимиз жоизки, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев қисқа муддатда аниқ ва тезкор ишлари билан жаҳон ҳамжамиятини Орол муаммосига эътиборини, муносабатини, кўйинчи, тафаккурини ўзгартирди. Президентимиз ташаббуси билан қилинаётган чора-тадбирлар бу муаммога бўлган амалий ёндашувнинг дебоҳаси, десак тўғри бўлади.

Энг муҳими, сўз ва иш бирлигининг яққол исботи сифатида кўрсатилган ташаббус ва билдирилган тақдирлар асосида бугун Орол бўйи ҳудудига ўрмонлар бар-

по этиш бўйича ишлар жадаллик билан олиб борилмоқда. Зеро, эндиликда фақат амалий ишлар, инновацион ёндашувларгина ҳудуддаги муаммолар ечимининг бош мезонидир.

Орол бўйида яна қуйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳим ва ўта долзарб саналади

Биринчидан, чўлланишни олдин олишга қаратилган саҳрога чидамли саксовул, қандим, черкез каби ўсимликлардан иборат ўрмонзорлар барпо этишни кескин қўлайтириш зарур. Бу ўз ўрнида иккита муҳим масалани ҳал этиш имконини беради. Қум кўчиши олди олинади. Агар, саксовуллар 3 қатор қилиб экилса, 30 фоиз қум кўчиши пасаяди, 7 қатор қилиб экилганда эса бу кўрсаткич 90 фоизгача пасаяди. Худудда ўзига хос экотизим пайдо бўлиб иқлим ўзгаришини юмшатади.

Иккинчидан, чўл зонада озқабоб ҳисобланган чогон, терескан, бояйлик, қайроқ каби ўсимликларни кўпайтириш лозим. Бу ишларни амалга ошириш орқали чорвачилиқни ривожлантириб, янги иш ўринларини яратишга эришиш мумкин. Бу ўз ўрнида озик-овқат хавфсизлигини таъминлашга, аҳолининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Учинчидан, маълумки, иқлим ўзгариши шароитларида экологик ҳолатни юмшатишда, қолаверса, худуднинг ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари сақлаб қолишда тўқайзорлар муҳим аҳамият касб этади. Афсуски, Орол бўйи ҳудудидagi тўқайзорларнинг 90 фоиздан ортиги батамом йўқ бўлиб кетган. Сув ҳавзалари бўйида тўқайзорларни тиклаш юзга келган муаммоларни бартараф этишнинг энг мақбул йўлидир.

Тўртинчидан, сув ресурслари истеъмолининг 70 фоиздан ортиги қишлоқ хўжалиги хиссасига тўғри келишини инобатга олиб, аграр секторда сув тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш талаб этилади. XXI аснинг ўрталарига бориб Амударё ва Сирдарё дарёларининг сув ресурслари 15 фоизга қисқариши баробарида минтақа аҳолиси сонини 90 миллиондан ортиши баҳоратида қилинаётганлигини инобатга олганда, қишлоқ хўжалигида сув истеъмолини камайтиришга эришиш муҳим аҳамият касб этади. Боз устига қишлоқ хўжалигида сувдан оқилонга фойдаланиш ёрнининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга, тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

Бешинчидан, Орол бўйи атрофида кичик (локал) қўллар барпо этиш ҳам муҳим масалалардан бири саналади. Бу ўз навбатида қум кўчишини пасайтиришга хизмат қилиш билан бир қаторда балайқилиқни ривожлантириш имконини беради. Кичик сув ҳавзалари ҳудудда иқлим мўтадиллигини сақлашнинг муҳим омилidir.

Олтинчидан, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ноёб, камсонли, йўқолиб кетиш арафасида турган тирик организмлар ва уларнинг яшаш муҳитини сақлаб қолишда алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, Орол бўйи ҳудудига муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар ташкил этиш, экотизим ҳолати бўйича доимий мониторинг тизимини йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, худудларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда замонавий экологик индикаторларни ишлаб чиқиш зарурдир.

Юқорида қайд этилган вазифаларни самарали ҳамда салоҳиятнинг амалга ошириш учун назаримизда, мақсади Орол бўйидаги экологик муаммоларни бартараф этишга қаратилган инновационроқ ва технологиялар бўйича танлов ўтказиш ҳам муаммолар ечи-

мидаги муҳим қадам бўлади. ЯШИЛ ҚАЛҚОН МУҲОФЗАСИ

Мансуржон МАТИСАЕВ, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Андижон вилояти Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Экологик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 15-Хўжаобод сайлов округидан номзод:



— Маълумки, мамлакатимиздаги давлат ўрмон фонди ерларининг умумий майдони 11,44 млн. гектардан зиёди ёки республика умумий ер майдонининг 25,2 фоизини ташкил этади. Республика ҳудудига 4600дан ортиқ ўсимлик тури мавжуд бўлиб, уларнинг 3000дан ортиги табиий ҳолда ўсувчи ўсимликлар ҳисобланади. Уларнинг 324 тури Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган. Мамлакатимизда ҳайвонот дунёси объектлари 16000 турдан ортиқни ташкил этиб, шундан 184 тур Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган.

Маъмур Қизил китобга киритилган ҳайвонот дунёсининг 95 фоизи, қўп тарқалган турларнинг 85 фоизининг яшаш муҳити, ўсимлик дунёсининг 95 фоизи, қўп тарқалган турларнинг 80 фоизининг ўсиш муҳити давлат ўрмон фонди ерлари ҳудудига тўғри келади.

2018 йилда қабул қилинган янги таҳрирдаги "Ўрмон тўғрисида"ги Қонун нормалари бевосита ўрмонларни муҳофаза қилиш, химоя қилиш, кўпайтириш, тақрири кўпайтириш, қайта тиклаш, уларнинг мақсуддорлигини ошириш ва улардан фойдаланиш соҳасини ҳуқуқий тартибга солиди.

Маъмур қонуннинг тегишли нормаларида фуқаролар ўрмонларда ёнғин хавфсизлигига риоя этиши, дарaxтлар ва буталарни синдиришга, кесилга, ўрмон экинларига шикаст etkazилишига, ўрмонларнинг манжийи ҳамда бошқа чиқиндилар билан ифлосланишига, ёввойи ҳайвонларнинг яшаш муҳити йўқ қилинишига ва урчиш жойлари бузилишига йўл қўймаслиги, шунингдек, ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланган бошқа талабларни бажариши шартлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, дарaxтзорлар ва бутазорларни кесиш, пичан ўриш, чорва молларини ўтлатиш, ўрмондан илмий-тадқиқот, маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреация ва эстетик мақсадларда фойдаланиш бўйича нормалар белгиланган.

Айниқса, биноларни, иншоотларни ва коммуникацияларни қуриш чоғида давлат ўрмон фонди участкаларидаги дарaxтзорлар ва бутазорларни ишлаб чиқариш-техник заруратдан келиб чиқмаган ҳолда кесиш, шунингдек, давлат қўриқоналарининг, мажмуа (ландшафт) бюротма қўриқоналарининг ўрмонлари, табиат боғларининг, давлат биосфера резерватларининг қўриқонага айлан-тирилган зоналаридаги ўрмонларни кесиш тақиқланганлигини алоҳида таъкидлаш муҳим.

Дарaxтзорлар ва бутазорларни кесишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, ўрмон кесиш (ўрмон) чипталари асосида ва фақат ўрмонларни қайта тиклаш шарти билан йўл қўйилади.

Шу билан биргаликда, ўрмон фонди ерларида ўрмон хўжалигини юритиш ва ўрмондан фойдаланиш билан боғлиқ бўлмаган қурилиш ҳамда портлатиш ишлари, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, кабеллар, ҳужурлар ва бошқа коммуникацияларни ўтказиш, пармалаш ишлари ва бошқа ишлар давлат ўрмон хўжалиги органлари билан келишилган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади ва ушбу ишларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар ўрмонларни қайта тиклаш, ўрмон фондининг ҳолати бузилган ерларини рекултивация қилиш бўйича чоралар қўришлари шартлиги белгиланган.

Ўзбекистон Экологик партиясининг сайловолди дастурида ҳам яшил қалқонимиз ҳисобланган ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш борасида бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Маъмур вазифалар ижросини таъминлаш борасида аниқ механизмлар тақдир этилган. Хусусан, шахслар атрофида "яшил қалқонлар"ни барпо этиш ва дарaxтларнинг кесилишига қарши эълон қилинган мораторий ижросини назорат қилиш ва унинг мuddатини узайтириш, барча аҳоли пунктларида 5 ёшдан ошган дарaxтларни инвентаризация қилиш, 2025 йилга бориб мамлакатимиздаги ўрмонлар майдонини 7,6 фоиздан 15 фоизгача кенгайтириш, яшил оламини муҳофаза қилиш устидан назоратни, айниқса, жамоатчилик экологик назоратини қўлайтириш шулар жумласидандир.

Муҳтасар қилиб айтганда, инсонлар соғлигини сақлашда муҳим аҳамиятга эга ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш, уларни кўпайтириш ишларида фаол иштирок этиш барчамизнинг инсоний бурчимиздир.

ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ноҳира САИДАХМЕДОВА, Жиззах политехника институтининг "Автотранспорт" факультетининг декани, Ўзбекистон Экологик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 35-Галлаорол сайлов округидан номзод:



— Ҳар қайси давлат, ҳар бир миллат нафақат табиий бойликлари, иқтисодий ва ҳарбий салоҳияти билан, балки ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан ҳам қудратлидир. Шу боис, халқимиз Она Ватанни асраб-авайлаш, унга эҳтиром кўрсатиш муқаддас бурч эканлигини чуқур ҳис этиб келган. Шундан бўлса керак, мўтабар Она сўзини табиатга нисбатан ҳам қўллаб, "Она табиат" дея атайимиз. Унга эҳтиром кўрсатамиз, эъозлаймиз. Бу каби эзгу ҳислатлар азал-азалдан аждодларимиздан маънавий мерос бўлиб, қон-қонимизга син-

гиб кетган. Ҳаттоки, жаҳон тарихида муносиб ўрин тутган буюк саркарда Амир Темури фаолиятида ҳам табиатга бўлган ўзгача эҳтиромни кўришимиз мумкин.

Мана масалан, буюк давлат арбоби ҳар доим мамлакатда, биринчи галда ободончилик ишларига алоҳида эътибор қаратган. Улкан шахарларни барпо этиш билан биргаликда, атрофни қўқаламзорлаштириш, об-ҳавонинг софлигини сақлаш мақсадида ҳар хил дарaxтларни ерга қадаган. Турли боғу роғлар, қўқам сайлгоҳлар барпо эттирган. Бу каби бунёдкорликларнинг бетакорроқ услиби, маҳобати ва гўзаллиги билан ўз даврида катта шухрат қозонган. Боз устига, бу муаззам заминда аждодларимиз бундан бир неча асрлар аввал ҳозирги замонавий илм-фаннинг илк пойдеворини қўйган ва ривожлантирган.

Дарҳақиқат, миллий маънавиятимиз илдизига чуқур сингиб кетган ва асрлар оша унинг тақдир босқичларида чуқурлашиб, теранлашиб борган халқимиз қадриятда табиатга бўлган эҳтиром беқиёсдир. Юртимизда уни эъозлаш анъанаси эса инсоният тарихи қадар қадимийдир. Умуман олганда, атроф-муҳитга муносабат, уни аниқлаб етишга бўлган интилиш Шарқ, айниқса, Марказий Осиё халқлари тарихида ўзгача хусусиятга эга. Бундан кўриниб турибдики, атроф-муҳитга эътибор, умуман, экологик маданият, экологик таълим ҳар бир даврда долзарб аҳамият касб этган.

Бугун экология ўз ичига 70 та фундаментал фанларни қамраб олган қўп киррали фандир. Экология инсон билан уни ўраб турган атроф-муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатни, таъсирни ўрганувчи, таҳлил қилувчи ва ис-тиқболини белгилаб берувчи илмий, амалий йўналишлар мажмуи ҳисобланади. Экология фанига оид тадқиқотлар қўп йўналишлар бўйича олиб борилган бўлса-да, бироқ халқимизнинг экологик маданияти, миллий экологик анъаналар ханузгача чуқур ўрганилмай келинмоқда. Шу боис миллий маънавиятимизнинг салоҳиятини акс эттирувчи ва ажралмас бир қисми бўлиши табиати ва унинг саховатини кадрлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича халқимиздаги миллий маданият, билимлар, анъаналар, тажрибалар ва меросларни бир тизимга келтириб, таҳлил қилиб, фуқароларимиз олдида турган долзарб экологик муаммоларни ҳал этишда фойдаланишимиз зарур.

Ҳўш, шундай экан, бугун аҳолида экологик маданиятни ошириш, экологик таълим ва тарбияни ривожлантириш учун нима қилмоқ керак? Келахат учун жа-вобгарлик ҳиссини нечоғли англаймиз? Ўзбекистон Экологик партияси бу борада қандай ишларни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилган?

Умуман айтганда, экологик таълим тизимининг долзарблиги мамлакатимиз табиатини, экотизимларини, атроф-муҳитни беқарорлик ва издан чиқишдан асраш, аҳолининг экологик маданиятини ошириш, ушбу ўта жиддий, ҳаётий масалага аҳолининг барча қатлами, айниқса, ёшлар томонидан салмоқли ҳисса қўшилиши зарурлиги билан белгиланади.

Бироқ экологик таълимни амалга ошириш жараёнининг тизимли ва чуқур таҳлилий натижалари экологик таълимни ташкил этишда ислохотларни тўлиқ рўйб-га чиқаришга тўқинлик қилувчи жиддий камчиликлар сақланиб қолаётганлигидан далолат бермоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси барча турдаги таълим му-

ассасаларида «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни-нинг 4-моддасида назарда тутилган экология ўқувининг мажбурийлигига оид талаблар етарли даражада бажарилмапти.

Республикамиздаги таълим тизимида амалда бўлган давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурлари мазмунан экологик билим, кўникма ва малака билан зарур даражада бойитилмаган. Ҳозирга қадар экологик таълим-тарбия йўналишида илғор миллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда улар асосида таълим олувчиларда экологик маданиятни шакллантиришнинг аниқ параметрлари ишлаб чиқилмаган. Хусусан:

— таълим тизимининг барча босқичларида амалда бўлган таълим дастурлари бугунги кундаги глобал экологик муаммоларни бартараф этиш, мавжуд экологик хавф-хатар даражасини камайтириш, табиий муҳитни қайта тиклашга қаратилган умуммиллий тадбирлар моҳияти билан мувофиқлаштирилмаган, мактабгача таълим муассасалари ва ўрта таълим мактабларидаги таълим дастурларидаги атроф-муҳитга оид мавзулар бугунги кун талаб-ларига жавоб бермайди.

— экологик таълим-тарбияга оид электрон услубий воситаларни яратиш ва инновациялардан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш юзасидан аниқ тақдирлар ишлаб чиқилмаган, таълим соҳасидаги ҳамда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари ўртасида экологик таълим тизимини тақомиллаштириш борасидаги амалий ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаган.

— таълим соҳасидаги ўқитувчи-мураббийларнинг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминловчи ўқув материаллари, шу жумладан, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасига оид ўқув қўлланмалари, ўқувчи ва талабалар учун зарур бўлган дарсликлар етарли эмас.

— боз устига таълим дастурлари тўлиқ қайта кўриб чиқишга мурт, жумладан, улар республикада сўнгги вақтларда экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилган ислохотлардан келиб чиқиб, тубдан тақомиллаштирилиши лозим.

Ушбу мақсадларга эса ўз ўрнида экологик таълим-тарбия беришни, экологик билимларни тарғиб қилишни, ноширлик фаолиятини, қўриқ-танловлар ўтказишни ташкил этиш, таълим дастурларини экологик масалалардан ва замон талабларидан келиб чиқиб тақомиллаштириш, экологик таълимнинг самарали шакл ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, соҳада кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат органлари таълим соҳасининг ўзаро манфаатли ҳамкорлигини ривожлантириш орқали эришилади.

Юқорида келтирилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Экологик партиясининг сайловолди дастурида ёшларни маънавий-ахлоқий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ва ўқитиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, ўрта ва ўрта махсус таълим муассасаларида услюксиз экологик таълим тизимини жорий этиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилонга фойдаланиш соҳасида илмий-тадқиқот институтини таъсис этиш масаласини ҳал этиш ўз аксини топган.



Ижод, ибрат ва фикрат мактаби

Бизнинг жафокаш халқимиз учун XX аср уч тузум – уч салтанат замони бўлди: аввалига чор Россияси истибдодини кечирган халқимиз яхши ҳаёт умидида унинг ўрнини зўрлик билан тортиб олган шўролар замонидан нажот кутиб яшадди, маккор сиёсат асосига қурилган бу тузумдан ҳам рўшнолик кўрмагач, тўқила-тўқила, салкам бир юз ўттиз йиллик зулматдан сўнг асрнинг сўнгги ўн йиллигида озодлик деб аталмиш ёруғлик юзину кўрди.

Атоқли шоир, драматург, олим, йирик давлат ва жамоат арбоби Ҳамид Олимжон мактаби икки замон муҳитида яшадди ва ижод қилди. 35 йил унинг 9 йили ичида Жиззах кўзголига гувоҳ бўлди. Бу воқеалар бўлажак шоир қалбиди ва руҳиятида бир-бирига қарама-қарши из қолдиргани, шубҳасиз.

Устоз адабиётшунос олим Наим Каримов сингари фидойи ва заҳматқаш олимларимизнинг кўплаб илмий тадқиқотлари сунган ҳолда айта оламизки, қисқа умри давомида Ҳамид Олимжон ҳаммаша халқ юрагига қулоқ тўтиб яшадди, бутун ижодини халқ руҳияти покляниши ва юксалишига бағишлади, ҳаётдан завқ олиб яшагача давлат эди.

Шоирнинг “Ўзбекистон”,

“Жанчи Турсун”, “Роксана-нинг кўз ёшлари” каби асарлари эса унинг номини дунё шеърят муҳлисарига танитди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ёзганидек, “Ҳамид Олимжон — ўзбек шеърятининг сира ўчмас из қолдирган шоир. Унинг лирикаси ҳали узоқ йиллар шеърӣ жўшқинлигининг, шавқ ва эҳтироснинг тисмоли бўлиб қолади. Ҳали кўп авлодлар унинг сатрларидан замонанинг ўтли нафасини туюб, халқнинг хур, бахтиёр овозини эшитди”.

Адабиёт ҳамма замонларда халқ оғзаси ижодидан сув ичиб келган. Аммо Ҳамид Олимжон ижоди ва халқ оғзаси ижоди, яъни фольклор ришталари шу қадар мустақам боғланган, шу қадар пишиқ ва бақувватки, бу ўзаро алоқадорлик ҳали янада чуқур таҳлил этиш учун асос бўла олади.

Ҳамид Олимжон ўз вақтида ўзбек халқ достонларини халқ бахшиларидан ёзиб олишда ташаббускор ва ташкилотчи бўлган. Мисол учун, атоқли бахши Фозил Йўлдош ўлидан тўтизга яқин достонлар ёзиб олинган. Жумладан, “Алломиш” дostonи биринчи марта нашрга тайёрланиб, сўзбоши билан чоп этилган.

Ҳамид Олимжоннинг халқ оғзаси ижодида бундай эътибори беҳиз эмас. Шоирнинг

бугунда ҳам деярли ҳар бир хонадонда ёд олган битта ўқувчиси бор. “Ўзбекистон” шеърят шундай сатрларни ўқиймиз:

*Водийларни яёв кезганда,
Бир ажиб ҳис бор эди манда...
Чатпар уриб гуллаган боғин,
Улар эдим ватан тупроғин.
Одамлардан тинглаб ҳикоя
Усар эди шоирда гоё.
Дарёлардай қуйлаб ўтардим,
Эртақларга қулоқ тутардим.
“Ойгул билан Бахтиёр”
достонида эса шоир бизни яна гўзал эртақлар оламига етаклайди:*

*Болалик кунларимда,
Уйқусиз тунларимда,
Кўп эртақ эшитганим,
Сўйлаб берарди бувим.
Эсимда ўша дамлар:
Ўзи учар гуллар,
Тоҳир-Зухра, Ериатош,
Ойни уялтирган қош,
Ўт боғлаган қанотлар,
Беқанот учан отлар...
Ушбу шалола каби қуйлиб келган қуйма сатрлар бахшиёна руҳи билан ҳар қандай ўқувчини ром этади, бамисоли сехрлаб қўяди.*

Гап шундаки, Ҳамид Олимжон Қўшработда Эргаш Жуманбулбул ўғли, Нарпайда Исом шоир Назар ўғли, Каттақўрғонда Мухаммад Жомурод ўғли Пўлкан, Бахмалда ва Булуғурда Фозил Йўлдош ўғли каби достончилик мактабининг йирик вакиллари, халқ бахшилари дўмбира сайратиб, эшитган элни яй-

ратиб ўтган заминда, таъбир жоиз бўлса, Зарафшон достончилик мактаби муҳитида улғайди. Пировардида, халқ руҳиятига чирмашиб кетган ўз адабий мактабига асос солди.

Халқ достончилигига хос жўшқинлик, самимийлик, обр-разларнинг жонли ва ҳаётийлиги, теранлиги ва тиниклиги шоирнинг “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ” ёки “Паризод ва Бунёд”, “Зайнаб ва Омон” каби достонларида-ю ҳар бир шеърда яқин раб туради.

Булоқ ўзи кўз очган тоғ, ўзи жилдираб оққан замин табиятини намён этади. Шу тоғ бағрида кўмилган маъданларнинг рангидан ранг олиб, шу замин жамолига кўрк берган гиёҳларнинг бетакрор тоти-ю хуш бўйларидан муаттар бўлиб оқади. Ҳамид Олимжоннинг ижод бўлоғи халқ қалбидан сизиб чиққан. Халқ оғзаси ижодида чўмилиб келган қуйма сатрлар бахшиёна руҳи билан ҳар қандай ўқувчини ром этади, бамисоли сехрлаб қўяди.

Гап шундаки, Ҳамид Олимжон Қўшработда Эргаш Жуманбулбул ўғли, Нарпайда Исом шоир Назар ўғли, Каттақўрғонда Мухаммад Жомурод ўғли Пўлкан, Бахмалда ва Булуғурда Фозил Йўлдош ўғли каби достончилик мактабининг йирик вакиллари, халқ бахшилари дўмбира сайратиб, эшитган элни яй-

лаганимнинг сабаби” деб номланган шеърда:

*Шодлик йўлга бошлади мени,
Бахтиёрлик бўлди одагим,
Шоир бўлиб шодлик ва бахтни
Куйламаклик зўр саодатим, —
дея ёзади. Унинг бу сатрлари, бир томондан, халқнинг маънавий-руҳий эҳтиёжига мос бўлгани боис, иккинчи томондан, ижтимоий-сиёсий зарурат тўғрисида шоир ижоди тадқиқотчилари томонидан ўзига нисбатан “Бахт ва шодлик куйчиси” таърифи қўлланишига сабаб бўлди.*

Бизнингча, бахт ва шодлик мотиви шоир ижодида кўпроқ маънавий-руҳий эҳтиёж ифодаси экани тўғрирок.

Демокчи бўлган гапимиз шуки, бадий адабиёт ижтимоий-сиёсий зарурат нукта назаридан эмас, балки маънавий-ахлоқий миссияни қандай адо этаётганига, бадий маҳорат мезонларига кўра баҳоланиши жоиз. Бадий сўзнинг маънавий-ахлоқий миссияси инсон қалбига, уни поклагача, равшан этишга қаратилган. Шу маънода, “Бахт ва шодлик куйчиси” иборасини шоир ижодининг маълум бир йўналишига нисбатан қўллаш ўринли.

Негаки, халқ достончилиги аънавалари таъсири халқчиллик бағрида шоир ижодида мардона руҳ бахш этди. Шоирнинг “Танланган” асарлари”га киритилган шундай бўлса керак, “Шодлики куй-

Халққа айтинг,
мен асло ўлаганим йўқ,
Ёв қўлга
таслим ҳам бўлаганим йўқ;
Мен элимнинг
юрагида яшаيمان,
Эрк деганинг
тилагиди яшаيمان!

Аслида, бу тўртлик Ҳамид Олимжоннинг “Муқанна” деб номланган тарихий асаридан олинган. Бундай мардона сатрларни у замонларда фақат юраги ботир шоирларгина айта олган.

Бу ҳақда фикр юртган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов шундай деб ёзган эди: “Уруш даври бўлгани сабабли “Муқанна” каби асарларда озодлик туйғуси қуйлангани учун ўша пайтларда муаллифга тегишиммади. Лекин кейинчалик шу руҳдаги “Жалолдин Мангуберди” асарини ёзгани учун Мақсуд Шайхзода қатағонга учради. Балки Ҳамид Олимжон барвақт кўз юммаганида унинг бошига ҳам Шайхзодадан кунни тўшарди”.

Ҳақиқат шуки, шубҳасиз, бетакрор ва ўта халқчил бу нодир шеърят ўттиз беш ёшида қисматнинг бешафқат зарбасига учради. Бу ёғи энди тақдирнинг инояти эдимиз, Ҳамид Олимжон яратиб кетган адабий мактаб аънавалари унинг садоқатли умр йўлдоши, асл ўзбек аёлларига хос юксак

ирода соҳиби бўлган Зулфияхоним ижодида давом этди. Атоқли шоирамизнинг куйидаги сатрлари бунинг далилидир:

*Ҳижронинг қалбимда,
созинг қўлимда,
Ҳаётни қуйлаيمان,
чекинар алам.
Туллар тушимдасан,
кундуз ёдимда,
Мен ҳаёт эканман,
ҳаётсан сен ҳам!*

Парвардигорнинг ўзи севган бандаларининг идрокли ила қўрсатган марҳаматига қарангки, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббусига кўра, бугун адабиётимизнинг ёрқин сиймолари — Ҳамид Олимжон ва Зулфия ижоди, чинакам маънода, юксак ҳурмат ва эҳтиромга муносиб қўрилди. Жиззах шаҳри марказида Ҳамид Олимжон ва Зулфия хотира-сига аjoyиб ҳайкал ўрнатилди. Ҳозирги кунда уларнинг номи билан аталган хiebон, ижод мактаби ва музей ишлаб турибди. Бу ва яна олти вилоятда, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида ташкил этилган атоқли адибларимиз номларидаги бундай ижод мактаблари ёш авлод учун ибрат мактаби бўлса, катталар учун фикрат, тафаккур мактаби вазифасини ўтаётди:

*Кани, мен ҳам бир дархат
булсам,
Кўксимдаги оташ гулхандон
Сонинг пушти чироқлар ёқиб,
Матонатли ўрқлар каби
Баҳор йўлларини ёритсам!*

Саъдулла ҲАКИМ.

Матбуот хизматлари қандай ишлаши керак?

Буюк Британияда давлат идоралари матбуот хизматлари орасида ўзаро мувофиқлашган иш кўриш амалиёти йўлга қўйилган. Мамлакатда бундай шаклда иш юритиши амалга ошириш учун йигирма йил талаб этилган.

Бугунги кунда Буюк Британия ҳукумати қошидаги коммуникация хизмати учта асосий йўналишда иш олиб боради: давлат хизмати кенгашида тўрт мингта коммуникация ходимлари иши мувофиқлаштирилиб, фаолияти режалаштирилди. Директорлар бўлими коммуникацияларга масъул бўлган раҳбарлар бўлимидир. Айнан шу йўналиш вакиллари томонидан муҳим қарорлар қабул қилинади. Гуруҳ раҳбарлари бўлимида эса мунтазам учрашувлар бўлиб туради. Ушбу бўлимларда қабул қилинган қарорлар ижрочи ходимларга етказилди.

Ҳар бир бўлимнинг функционал вазифаси бўлиб, улар куйидагилар:

ОАВ бўлими. Унда муҳим тадбирлар ўтказилади, ижтимоий тармоқларга маълумотлар киритилади. Матбуот котиблари бевосита шу бўлимида ишлайди.

Ички коммуникациялар бўлими янги йўналиш бўлиб, идорадаги ички ахборотнинг ўзаро тезкор алмашуви, маълумотнинг тизимли тарқалишига хизмат қилади.

Стратегик коммуникациялар бўлимида узоқ муддатли истиқболли режалар ишлаб чиқилади. Манфаатли томонлари жалб қилиш бўлимида ҳамкорлик, ўзаро манфаатдор келишув бўйича томонларни жалб қилиш кўзда тутилган.

Стратегик коммуникациялар бўлими узоқ муддатли режалаштиришни мақсад қилса, перспектив режалаштириш қисқароқ муддатни назарда тутаяди. Бунда ким билан мулоқотга киришиш зарурлиги аниқланиб, маълумотларга асосланган ҳолда, керакли қарорлар қабул қилинади. Стратегик коммуникациялар бўлимида камчилик ва ютуқлардан керакли хулоса чиқарилиб, натижани таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилган.

Бош вазир матбуот хизмати-нинг асосий вазифаси журналистлар билан учрашув, пресс конференция, брифинглар ташкил этиш, соҳани ёритувчи журналистлар билан алоқача киришиш, ОАВ вакиллари ахборот тақдим этиш, бериладиган ахборотларни режалаштириш, раҳбар билан ОАВ учрашувларини уюштириш, сафар чоғида раҳбариятга ҳам-

роҳлик қилиш, аҳолининг мурожаатларига туну кун жавоб беришдан иборат. Қисқаси, бош вазир матбуот хизмати ҳукумат қарорларини аҳолига ўз вақтида, тезкор етказиб беради.

Ҳар ҳафтанинг душанба кунини Буюк Британиянинг барча давлат идоралари матбуот котиблари шахсан учрашиб, ҳафта давомида қиладиган ишларини мувофиқлаштириб олади. Қолган кунлари кунлик ишлар режалаштирилади. Жадвални тузишдан мақсад, барча идора вакиллари ОАВдаги чиқишларини келишган ҳолда амалга оширишдир. Шунда давлат ташкилотлари фаолиятига оид ҳар бир янгилик ўз вақтида ОАВда ёритилади. Коммуникация стратегияси бўлими бу ишларнинг амалга оширилиши назорат қилади.

Демократик жамиятда ОАВ вакиллари қутилмаган саволларини бериши аънамага айланган. Шунинг учун матбуот котиблари ҳафта давомида бўладиган барча янгиликлардан бохабар бўлган ҳолда, ташкилот раҳбарини оғохлантириб, берилиши мумкин бўлган саволлар рўйхатини, уларга тахминий жавобларни тайёрлаб қўядилар.

Давлат идоралари матбуот хизмати ходимларининг сони ташкилотда ишлайдиган мутахассислар ҳажмига боғлиқ бўлади. Масалан, Буюк Британиянинг меҳнат ва нафақа вазириликда тўқсон мингга яқин ходим фаолият кўрсатади, шунга яраша мазкур идоранинг матбуот хизматида йигирма беш нафар мутахассис ишлайди.

Бир қарашда Фарб давлатларида ОАВ эркин, журналистлар истаган мавзудаги материални тайёрлаб, мутасадди раҳбарларга қутилмаган саволларни беришади, деб ўйлаймиз. Аслида эса Буюк Британиядаги давлат идоралари матбуот хизматлари давлат сиёсатига оид ахборот оқимини режалаштириб, маълум бир тизим асосида ишлайди. Соҳа мутахассислари ахборот хавфсизлиги нуктаи назаридан ОАВ ходимларининг қутилмаган мурожаатларига доим тайёр туришади.

Бугунги глобаллашув жараёнида давлат идораларининг ОАВ учун очкилиги, ахборотнинг эркин ва тезкор тарқалиши давлат идоралари матбуот хизматлари олди-га қатор янги вазифалар қўймоқда. Буюк Британия давлат идоралари матбуот хизматлари фаолияти юртимиз соҳа мутахассислари учун ўзига хос тажриба бўлади, шубҳасиз.

Юлдуз ОРТИҚОВА,
филлология фанлари номзоди.

► Мулоҳаза

Халқимизнинг ҳикматга тўла гаплари кўп. Маъноси ёмбидек бебаҳо мақол ва нақллари ҳам бисёр. Улардан бири “Устоз — отангдан улуғ” деган мақол бор.

Қаранг-а, устозни нечоғли шарафловчи гап.

Баъзида бу мақолни айнан, яъни сўзма-сўз талқин қилиб: “Отангдан ҳам улуғ бўларканми, отангдек улуғ деб айтмайлик”, деб қўлишади. Аслида мақол айнан шундай, яъни “устоз отангдан улуғ” дейилади. Бу ерда ота номи асло камситилаётгани йўқ. Балки устоз мақомининг халқимиз томонидан нечоғли қадри баланд эканлигига катта урғу берилмоқда. Майли-да, нима бўлганда ҳам устоз, мураббий, муаллим зотини элимиз азал-азалдан отадек мўътабар, улуғ кўриб, ҳамиша ҳурмат ва эҳтиромга муносиб деб билади. Буюк бобоимиз Алишер Навоий ҳам бежиз:

*“Ким санга бир харф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо, онинг ҳақин юз ганж ила”,*
— дея ёзмаган эди.

Чиндан ҳам улуғ боболаримиздан мерос қадрият бўлиши таълим-тарбия масаласи миллатимизнинг нафақат бугунги, балки эртаси, келажакдир. Шу боисдан, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилган кенг қамровли ислорҳлар, янгиликларда таълим-тарбия соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилаётгани шунчаки бир ислорҳ эмас, балки бу давлатимизнинг устувор вазифаси деб белгиланганидан дарак беради.

Эҳтимол, бу сиёсатни кимдир тийраноқ, кимлардир саёзроқ англаётгандир, аммо таълим-тарбия соҳасидаги сўнгги уч йил ичидаги ўзгаришларда — тарихий қадамлар муҳимасам. Яхши биламизки, мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев давлат йўлбошчиси сифатида дастлабоқ, номи улуғ бўлса-да, узоқ вақт биров “халифнинг”, дея сўрамаган, Ўзбекистон ФАСи академиклари, таникли илм-фан номандалари вакиллари билан учрашган эди. Улар билан дилдан сўхбат қилиб, фикр алмашганди. Ушунда олимларни қийнаб келаятган кўплаб масалаларга ижобий ечим топилганди. Шундан сўнг, ўтган қисқа вақт давомида мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, мактаб таълимида 11 йиллик тизимга ўтиш, академик лицей ва касб-хўнар коллежлари фаолиятига ўринли баҳо бериш, нодавлат таълим хизматларини ривожлантириш ва албатта, олий таълим соҳасини ҳам кенг ислорҳ қилишга йўл очилди.

Бунинг учун аввало, таълим даргоҳларида хизмат қилаётган ин-

ОБРУНИ СОТИБ ОЛИБ БЎЛМАЙДИ

Фожиа шундаки, пора билан ўқишга кирган талабаларнинг ўқиши, семестр ёпиши, яъни синоном имтиҳонларини ҳам пул билан ёпишига нима дейсиз?

Ер шарининг Осиё ва Шарқ минтақасидаги айрим давлатлар ўтган қисқа вақт ичида дунёнинг етакчи давлатларини орда қолдириб, энг ривожланган мамлакатлар сафига қўшилди. Бугунга кунда ишлаб чиқаришда, техник тараққиётда ва бошқа экспортга эҳтиёжи баланд товарларни сифатли ишлаб чиқаришда бу қадар олдинлаб кетганини дунё ахли ҳалигача ақлига сингдирилмаётган.

Ваҳоланки, ижтимоий тармоқларда тез-тез кўзга чалинаётгандек, уларнинг ютуғи, биринчи навбатда, таълим тизимини ислорҳ қилганлиги, ўрта таълим босқичининг давлат томонидан қаролатилганлиги ва бунга риоя қилмаган ҳар қандай шахс кескин жазоланиши олий таълимни ислорҳ қилишда муҳим босқич вазифасини ўтади. Олий ўқув юртига кириш имтиҳонларини топшириш учун келган абитуриентнинг билим даражаси имкониятидан юқори бўлди. Шу тариқа Япония, Жанубий Корея ва Индонезия сингари мамлакатларнинг бутунжаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашига мустаҳкам асос яратилди.

Агар хориж олий таълим тизимини мамлакатимиздаги олий таълим йўналиши тимсолида солиштирилса, мутлақо бир-бирига ўхшамайдиган ҳолат кўзга ташланиб қолади. Бизда, афсуски, таниш-билишчилик, қариндош-уруғчилик, коррупция масаласи ойдинлашади.

Шунинг учун ҳам юқорида айтганимиздек, Президентимиз Шавкат Мирзиёев иш фаолиятини аввало таълимни ислорҳ қилишдан бошлади. Сабаби бундан уч йил аввал мактабни ҳатто ўвло баҳо-ларга тугатган кўпгина ўқувчи-абитуриентларнинг нуфузли олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини ўз билими билан топшириши амримаҳол бўлиб қолганди. Билимсизлик оммалаша бошлади. Айниқса, тест саволларининг ДТМ томонидан ўз истаганча жорий этилиши исталганча ноҳақлик қилишга имкон яратди. Тест синонвларидаги “от ўйинлари”ни ҳеч ким “кўрмади”. Имтиҳонларни сира тап тортмасдан “рўйхат”даги абитуриентларнинг тест имтиҳон варақлари очикчасига олиб чиқилиб, “бункер”чилар томонидан жавоблар белгилаб берилгач, яна қайта имтиҳон бўлаётган аудиторияга киритиб бериш ҳоллари

одатий ҳолга айланган эди.

Не тонгки, халқимиз бардошли, сабр-қаноатли халқ. Аммо ҳамма бундай “савдо”лардан безган, адолат, ҳақиқат деганлари бир кун келиб тикланишини умид қилишдан ўзга чораси йўқ эди. Арз қилганлар бўлди, албатта. Аммо уларни биров эшитдимми, ахир.

Президентимиз томонидан маъқулланган супер контрактнинг жорий этилгани эндиликда ҳар бир абитуриентда талаба бўлишдек ўзига ишонч туйғусини уйғотди. Бунгача-чи? Етти ёшдан етмиш ёшгача маълум эдики, ҳар бир олий ўқув юртининг ўз ставкалари мавжуд эди. Айтилик, юридик институтга кириш учун фалон пул, иқтисодиёт йўналишига пистон пул... зарур бўлар эди. Бундай шармандали аҳвол неча йиллар давом этмадимми?!

Яқинда нуфузли бир олий таълим даргоҳининг ректори вазифасидан олингани эълон қилинди. Буни эшитиб, қачонки юртимизда ҳали-ҳануз ўзгармаган, бугун замон нафасини ҳис этмаганлар наҳотки, энди оркага йўл йўқ эканлигини, нафс баласидан халос бўлиб, ҳалол ва виждонан меҳнат қилиш даври келганини англашлари шунчалар қийинми, деб ўйлаб қолдим.

Президентимиз Ўзбекистон ўқитувчи ва мураббийларига йўллаган байрам табригида шундай деган эди: “Энг муҳими, ўқитувчи чинакам ватанпарвар бўлиши зарур. Қалбиди ўз касбига, Ватанига меҳр ва садоқат қучли бўлган ўқитувчигина ҳақиқий ватанпарвар шахсни тарбиялай олади.”

Албатта, халқимизнинг бойлиги, эртаси бўлган фарзандларимиз тақдирини ишониб топширилган инсонлар — ўқитувчилар орасида жуда-жуда фидойи, ҳалол, ватанпарвар кишилар кўп. Кўп эмас, уларнинг аксарияти шундай одамлардир. Аммо улар орасида ноҳоллилар ҳам йўқ эмас.

Ҳа, олий таълимда муаммолар йиғилиб қолган экан. Ҳўш, нима қилмоқ керак?

Бизнингча, таълим тизимида аҳволни ўнглаш учун биринчи навбатда, таълим сифатини ошириш, илгор дунё тажрибасини кенгроқ ва дадил қўллаш зарур. Бунинг учун эса албатта бундай даргоҳларда ҳалол ва пок, виждонли инсонлар фаолият юритишлари лозим бўлади. Шундангина олий таълимнинг нуфузи, обрўси ошади. Обруни эса сотиб олиб бўлмайди.

А.ПАРДАЕВ.

► Шогирдлар устозлар ҳақида

Аксар кечқурунлари — овқатланиб, спорт каналларидан футбол томоша қилаётган вақтингизда қайсидир танишингиз кўнғироқ қилиб қолади. Саломлашмасданок айтгани: “Фалон канални кўраёсизми? Сафар Остон зўр гапларни айтапти!” Албатта, бу пайтда футбол кўраётганингизни айта олмайсиз ва телефонни қўймасдан ўша каналга юзланасиз.

Сафар ака дунёсига бир сафар

Сизга кўнғироқ қилаётган танишингиз сиёсату журналистикадан мутлақо узоқ одам. Бири фермер, бири ўқитувчи ёки тракторчи, эҳтимол пенсионер...

Бизку шу соҳа номини еб, сочларимиз оқарган, устоздан қандай ёзиш ва ёзмасликни ўрганган одамларимиз, аммо оддий фермер ёки тракторчини Сафар Остон нега шунчалик қизиқтиради?

Сафар ака гапирётганини эшитиб, орзикиб кутган футбол ўйинидан кўз юмиб, устоз интервью бераётган канал тугмасини босган пайтларимиз кўп бўлган. Ваҳоланки, ўша кун тушликдан сўнг у киши билан қўришган, бирор ярим соат суҳбатини олгандик.

Яна ўша саволни берамиз ўзимизга: Нег?

Бизнинг касбимизда ва аксар бошқа касбларда ҳам “олиб қочиш” деган ибора бор. Сўзни усталик билан бошқа ўзганга буриш, ҳақ гапдан қочиш. Тепадагиларга ҳам ва ўзингга ҳам заррача бўлсин, тегиб кетадиган гап айтамаклигингиз уйдасидан чиқиш ҳам ўзига хос маҳорат. Ҳатто айрим ноширлар ўзининг бу санъатидан фахрланиб юради.

Аксаримиз узоқ йиллар шу “санъатимиз” орқали тирикчилик қилиб келганимиз ҳам сирмас.

Устоз Сафар Остон айнан ана шу “олиб қочиш”дан кўп йироқ инсон, бундай услуб унга ёт! У бор гапни айтади, айтганда ҳам дадил айтади, асослаб айтади. Ўзига хос иншон билан айтади.

Акамиз “Ёш ленинчи” (кейинчалик “Туркистон”, ҳозирда “Ёшлар овози”) газетасида спорт ва ҳарбий ватанпарварлик бўлимини бошқарган. Ўзбек футболби, “Пахтакор” жамоаси ҳақида шов-шув бўладиган чиқишлар қиларди. Афсонавий боксчи Руфат Рискиев ҳақида ёзиш асосида улар кадрдон дўст бўлиб кетишиди. Гимнастикачи Венера Зарипова, курашчи Собир Ходиев, қилинбоз Собир Рўзиев, футболчи Миржалол Қосимов хуллас, кимки зўрларимиз бўлса, бари ҳақида ёзди, ёзганда ҳам юқорида айтганимиздек эсда қоларли, юкли-тошилик бўлиб ёзди. Спортчилар ҳақида ёзганлари бешта китоб бўлиб чиқди.

...Мақоламини устознинг навбатдаги чиқишини кўриш ва у кишидан ўрганиш учун семимли футбол томошасидан кенганимиздан бошлаб эдик. Аслида... Сафар аканинг мустакил юртимизда спортнинг бир катор турлари, шу жумладан, футболнинг омма-лашувига қўшган ҳиссаси алоҳида бир мавзу. Бу савобли ишлари ҳали “Спорт” газетасига бош муҳаррир бўлишдан кўп олдин бошланган...

Шу йўсин у республика спорт газетаси “Физкультурник Ўзбекистон-Ўзбекистон физкультурчиси” газетасига бош муҳаррирликка тайинланди. Фақат статистик маълумотлар, мусобақа протоколларидан иборат газетани аввало номини, кейин мазмун мундарижасини мутлақо аниқлади. “Спорт” ва “Ўзбекистон футболби” газеталари ташкил этилди. Муҳлислар бу нашрларни газета киоскаларида навбатга туриб олиб, ўқийдиган бўлишди.

Унинг ижод йўли, касбига садоқати, довураклиги, кимларгадир ёққамас-да кўпчилик манфаати учун ҳақматини айтишга ҳаракат қилиши бугунги ёш журналистлар ўрганиши керак бўлган мактаб деб ўйлаймиз. Бу ўз даври учун қўтилмаган жасорат, бошқа ҳамкасблари учун бетим-

сол ибрат намунаси эди.

...Журналистикада “ихтисослашиш” деган тушунча бор. Бу журналистнинг ўзи қаламга олаётган соҳани каммида шу тизим ходими даражасида билишини аниқлади. Тўғрида, ўзинг билмаган тармоқ ёки тизимдаги ҳақиқий аҳволни яхши билмай туриб, унинг ичига кириб бормасдан қандай қилиб муаммоларини кўтариб чиқиш мумкин? Муаммони кўтариш бирламчи ҳолат, унинг ечимини билиш эса асосий мақсаддир. Шу маънода Сафар Остон сўнги давр ўзбек журналистикасида ҳуқуқ мавзусида ёзадиган, бу тизимни соҳа мутасаддиларидан кам билмайдиган камдан-кам журналистлардан биридир.

...Утган асрнинг 83-89 йилларида совет ҳуқуқмати топшириғи билан халқимиз бошига навбатдаги қатагон солиниганини бугунги кекса авлод яхши биларди. Ҳар кун ҳар бир вилоятдан ўнлаб раҳбар шахслар қамоққа олинарди. Улар бўйнига тўқилган жиноятни илтиш учун терговчилар турли хил гапиринсоний усуллардан фойдаланишарди. Қайсидир раҳбарни айбдор қилиш учун у билан бирга ишлаганларни, ҳатто оила аъзоларини қамоққа олиб азоб беришарди.


Москвада нашр этиладиган газета ва журналларда, телевидение кўрсатувларида ўзбек халқи шаънини ерга урадиган мақолалар, кўрсатувлар кўпайгандан кўпайиб берди. Худди 37-йилларда бўлганидек, одамлар кўрқув ва саросимада яшарди. Собик марказдан юборилган терговчи ва прокурорлардан одамлар азоридан кўрқандек кўрқинарди. Чунки уларнинг айтгани айтган, дегани деган эди.

Ана шундай бир оғир шариотда кўтилганда “Ёш ленинчи” газетасида Сафар Остоннинг “Топталган тақдирлар” сарлавҳали бир саҳифалик танқидий мақоласи эълон қилинди. Унда собик марказдан юборилган, республикамиз прокуратурасини бошқараётган Бутурлин, Усатов, Гайдаков, Лаптев, ички ишлар вазирлигига ҳўжайинлик қилиб турган Дидоренко, Таитов каби қатагончиларнинг ноқонуний ишлари халқимизга нисбатан ўтказилаётган зуғумлари, айбоси асосида равишда қамоққа олиб, уш-лаб ўтиргани мисоллар асосида фозил этилди.

Бу мақоланинг чиқиши катта шов-шувга айланиб кетди. “Десантлар” оёққа туришди. Биз гувоҳимиз — ўшанда кўрқувда яшаб келаётган одамларда умид учкуну пайдо бўлган эди. Тахририятга ҳар кун ўнлаб одамлар келишарди. Кимдир раҳмат айтиш учун, кимдир ёрдам сўраб... Аммо Сафар аканинг тақдирини ҳавф остида эди.

Қанча-қанча раҳбарларни, республика раҳбарларини ҳам қамоққа олаётган қатагончилар учун бир журналистнинг бадном қилиш ёки жазога тортиш ҳеч гап эмас эди. Биз тахририят ходимлари катта ҳавотир билан воқеалар ривожини кузатардик. Сафар акани Гайданов прокуратурага икки марта чакиртиради. Лекин ака бормайди.

“Гайдановнинг менда гапи бўлса ўзи келсин” дейди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Анишев (аслида у ўша вақтда республикага ҳўжайин эди) топшириғи билан газета муассаси — республика ёшлар ташкилоти Марказий Комитетида Ўзбекистон ССР прокуратурасининг тергов ишлари бўйича ўринбосари О.Гайданов иш-



тироқида мақола муаллифи Сафар Остон, Бош муҳаррир Жабор Раззоков ва унинг ўринбосари Қулмон Очиллов мўжаҳама этилади. Гайданов муаллифни ноқонунликда, асосий гапларни ёзганликда айблайди. Каттиқ баҳс-мунозара бўлади. Сафар Остон “мени нега бу ерга чакиртириб сўроқ қиласиз, норози бўлсангиз судга беринг”, дейди. Ёшлар ташкилоти раҳбари “ҳозир ошкорлик, майли, мақолага эътирозингизни ёзинг, газетада эълон қиламиз” деб масалани юмшатади. Икки кун ўтиб, Олег Гайдановнинг тахририятга очик хатини олиб келишади. У мақолани бутунлай рад этиб, муаллифни жиноятчиларни ҳимоя этапти, деб айблайди. Унинг очик хати эълон қилинади, ўша сонда Сафар Остоннинг “Очик хатга очик жавоб” сарлавҳали мақоласи чоп этилиб, Гайдановнинг даъволари асоссизлигини исботлаб беради.

Бундай воқеалар Сафар ака Остон ҳаётида бир неча бор бўлган. Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиб ёзган мақолалари учун уни шахар прокуратурасига чакиртиб сўроқ қилинган, тушунтириш хатлари олган. Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Дидоренко ҳузурига чакиртирган, пўйса қилмоқчи бўлган.

“Топталган тақдирлар”дан сўнг “Тергов тегирмони”, “Ҳуқуқларимизни ҳимоя қилишингизни сўраймиз”, “Бизни отувга ҳуқм қилишмоқчи эди” каби қатор мақолаларни айнан қатагончиларга қаратилган чиқишлар эди. Булар ҳақида ҳозир гапиринг осон, ўша пайтда Сафар аканинг қанчалик асаблари емирилган, рухан азоблар тортгани фақат ўзига ва Яратганга аён.

Сафар аканинг Аҳмадхон Одилов ва бир гуруҳ деҳқонларнинг Москвада, Олий судда кўрилган ишида қатнашиб, ёзган мақоласи ҳам бир жасорат бўлган. СССР Олий судининг ноқонунлик олиб борган суд мажлиси, судланувчиларнинг қонуний талабларини бажармагани тўғрисидаги мақола учун ҳам у сўроқ қилинган, уни айбламочки бўлишганди.

Яқинда “Маҳалла” телеканалида “Ҳаёт ҳақиқатлари” деб номланган кўрсатувда ушбу воқеалар ҳам тилга олинди, Сафар акага нисбатан жисмонан чора кўришга ҳаракат қилинган ҳам гувоҳлар гапиринди. Хали-хали одамлар шу кўрсатувни гапириб юришади...

Акамиз анча йиллардан бери халқда “отакон газета” деб эътибор топган “Ўзбекистон овози” газетасини

баланд мақомларда бошқариб келмоқда. Тўғриси, замон шитобларида кўплаб нашрлар тижорий йўлларга кириб кетмоқда, кўллари ёпилар алпозда ишлаяпти. Бош муҳаррир акамиз отакон газетанинг азалии кадритларини сақлаб келмоқда, халқчиллик бош мезон бўлиб келмоқда. Ҳозир бу катта иш, катта маҳорат...

Кўпинча қайсидир бир муаммо бўйича муражатчининг арзи асосида мақола тайёрлаш кераклигини устозга эслатганимизда... у киши нафақат бу ташаббусни қўлайдилар, балки масаланинг туб моҳиятини очиб, мақола ёритилгач, шу фуқаро муаммо-

► Жараён

Бугун юртимиз, халқимиз катта бир сиёсий воқеалик арафасида турибди. Жорий йилнинг 22 декабрь куни йилимизнинг энг муҳим сиёсий воқеаларидан бири — Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман-шаҳар кенгаши-ларига сайловлар бўлиб ўтади.

Эртаминизга дахлдор қадам

Конституцияимизда, “мамлакат фуқаролари давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар”, дейилади. Биз сайловда ўзимизга маъқул бўлган номзод ёки бирор-бир партия илгари сураётган дастур учун овоз бериш, уларни қўллаб-қувватлаш ваколатига эгамиз.

Сир эмас, бугунги кунда кўча-кўйда, одамлар орасида, ижтимоий тармоқларда, қолаверса, матбуот ва телевидениеда партияларнинг сайловда чиқишлари, дебатлар, уларда партия лидерларининг илгари сураётган дастурларининг қанчалар долзарблиги, кўтарилаётган муаммоларнинг қанчалар жиддийлиги каби мунозараларнинг гувоҳи бўлаяпмиз.

Авалло, шуни таъкидлаш керак, бугун халқимиз ҳар доимгидан уйғоқ, ҳар доимгидан талабчан. Чунки, улар бугун ўз олдларига катта мақсадлар қўйиб, маррани балеанд олган. Бугун улар ҳар қайси партия халқимизнинг туб манфаатлари, ижтимоий ҳужжатларини ўқиб чиқади, маслаҳатлар беради, жойлардаги раҳбарлар, прокурор, судья, милициянинг бошлиқларига ҳат эъзади, сим қоқди, тушунтиради. Қанчалаб, одамларнинг ўқиб чиқади, маслаҳатлар беради, жойлардаги раҳбарлар, прокурор, судья, милициянинг бошлиқларига ҳат эъзади, сим қоқди, тушунтиради. Қанчалаб, одамларнинг ўқиб чиқади, маслаҳатлар беради, жойлардаги раҳбарлар, прокурор, судья, милициянинг бошлиқларига ҳат эъзади, сим қоқди, тушунтиради.

Мухими, юртдошларимиз фақат ўз шахсий муаммолари билан яшаётгани йўқ, балки ўз маҳалласи, тумани, вилоятдаги ҳар бир муаммога эътиборли, ҳар бир олиб борилаётган ислохотлар ўзларининг эртанги кунига дахлдор деб қараш туйғуси уйғонган. Халқимиз Ватаниннинг эртаси учун, унинг келажиги учун масъуллик шижоати билан яшамоқда. Аслида, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, бу — бугунги ҳаёт, бугунги замон талаби.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг бир гуруҳ вакиллари Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида бўлди. Айтиш кераки, бугунги Сирдарё, кечаяки Сирдарёдан тубдан фарқ қилади. Авваллари биз кўрганамиз, пастанка уйлари ўрнига янги бинолар, кўркам иншоотларнинг буй чўзгани, йўлларнинг раванлашгани-ю одамлар руҳиятидаги кўтаринкилик бизни қувонтирди.

Сайхунобод туман марказида янги қуриб битирилган “Ёшлар хиёбони” худудга ўзгача бир кўрк бағишлаб турибди. Ушбу хиёбоннинг очилиши тадбирда қатнашган, вилоят ҳокими Гафуржон Мирзаев таъкидлаганидек: “Сирдарёнинг кенг далалари, муссаффо чўл воҳаси каби қўнгли очик, меҳнатдан қўли қангли бўлган оддий ва содда одамлари ҳаммаша ҳурмат ва эътиборга лойик. Бугунги кунда бу худудда олиб борилаётган ўзгаришлар, янгилан-

нишлар бунга ёрқин далолатдир”.

“Ёшлар хиёбони” Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббусга мос ва монанд беш айвондан иборат бўлиб, унинг биринчи айвонидан маданият ва санъат йўналишида ёш санъаткорлар томонидан муслиқ чиқишлар номойиш этилди. Янги кутубхонада китобсевар ёшлар билан вилоят ҳокими китобхонлик ҳақида суҳбат ўтказди. Хиёбоннинг иккинчи — “Иждоқорлар” айвонидан Сайхунобод туманидаги “Шеърят шайдолари” ўқув тўғрагининг ўқувчилари ва устоз иждоқорлар билан учрашув бўлиб ўтди. Бу ерда ёш иждоқорлар вилоят ҳокимига, Президент номига ёзилган ташаккурномани топширдилар. Кейинги “Ойлави китобхон” айвонидан китобхон бувилар ва набиралар кўриниши намойиш этилади. Тўртинчи айвонидан ёш рассомларнинг истеъдодлари билан танишидик. Тадбир сўнгиде, Хотира хиёбонида эса нуруний отаконлар билан бирга Мотамсаро она хайкали пойига гуллар қўйилди. Юртимиз мадҳияси ижро этилиб, Ватан байроғи балеанд кўтарилди. Бу тадбир йилнинг тарафдоридир.

Мухими, юртдошларимиз фақат ўз шахсий муаммолари билан яшаётгани йўқ, балки ўз маҳалласи, тумани, вилоятдаги ҳар бир муаммога эътиборли, ҳар бир олиб борилаётган ислохотлар ўзларининг эртанги кунига дахлдор деб қараш туйғуси уйғонган. Халқимиз Ватаниннинг эртаси учун, унинг келажиги учун масъуллик шижоати билан яшамоқда. Аслида, бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас, бу — бугунги ҳаёт, бугунги замон талаби.

Айтмоқчи бўлганимиз, бугун юртимизнинг ҳар бир чекка туманида, ҳар бир худудда мана шундай янгиланшлар, ўзгаришлар, олиб борилаётган кенг ислохотларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Бугун юртимизда янги давр бошланди, унда ҳар биримиз ўз соҳамизда мана шу юрт эртаси учун бир гишт қўйишга интилоғимиз зарур. Бунда яқинлашаётган сайлов жараёнида фаол иштирок этишимиз долзарб ва муҳим вазифамиз бўлиб, очкилик ва ошкораликни таъминлашга ҳар биримиз масъулмиз. Бугун дунё, жаҳон ҳам-жамияти юртимизга катта қизиқиш билан қарапти. Энди ана шу юксак эътиборга ҳар томонлама муносиб бўлиб, қатъият билан олға интилиб, қўзлаган улғу мақсадларимиз сари биргалликда одимламоғимиз лозим.

Зилола ХўЖАНИЕЗОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

► Пресс-тур

Халқаро суд тизимидаги тажрибаларни амалиётга киритиш мақсадида ташкил этилган “Суд очкилиги андозисида” пресс-тур йиғини Республика олий суди ҳамда USAID (АҚШ халқаро ҳамкорлик агентлиги) томонидан мазкур йилнинг 10-13 декабрь санасида бўлиб ўтди.

Қонун устуворлиги йўлида

Унда Тошкент — Сирдарё — Жиззах — Самарқанд — Бухоро — Тошкент йўналишида маҳаллий журналистлар ва “TV-Netherlands Global Media Creators Productions” ташкилоти, БМТ қошидаги эксперт гуруҳи ҳамда АҚШ адвокатлар уюшмаси вакиллари иштирок этишди.

Сафар аввалида Сирдарё вилояти, Оқолтин туманида янгитдан барпо этилган туман суд биносига ташриф этилди. Ташриф чоғида суд биносининг барча қўлайликларга эга эканлиги, бу ерга муражат билан келадиган фуқаролар учун шарт-шароитлар яратилгани, қўриладиган ишлар

очкилик тартибида ўтказилиши Республика олий суди ходимлари томонидан тушунтирилди. Микроавтобус Жиззах вилояти, Фаллаорол тумани суд биносига етиб келганда атрафга қоронғу тушганди. Пресс-турдан ҳабардор этилган туман суди маъмурияти қарши олишди. Тумандаги за-

монавий услубда янгитдан қурилган бино ҳам ривожланган мамлакатлардаги суд тизими услуби асосида барпо этилган бўлиб, барча талабларга жавоб берадиган тартибда тикланган эди. Пресс-тур иштирокчиларини бино билан таништириш чоғида суд раиси хонаси, ажрим чиқариладиган хона, кутиш заллари кўрсатилди. Республика олий суди томонидан тақлиф этилган таржимонлар инглиз ва ўзбек тилида берилган саволларни ҳар икки тилда таржима қилиб, вакилларнинг оғирини енгил қилишди. Шундан сўнг, белги-ланган маршрут бўйича Самарқандга йўл олинди. Бизга ҳамроҳлик қилган Республика олий

суд раиси ўринбосари Холмўмин Ёдоров замонавий шаклда қурилган Тойлоқ туман суди биносидан қўйилди гапирди: — Бугунги ахборот эртанги кунга тўғри келмайди. Сизлар замонада яшаёпмиз. Сизлар билан пресс-турни ташкил этишдан мақсад ҳам янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохот-розилиги олинган.

Пресс-тур иштирокчилари, айниқса, хоржиқлик меҳмонлар суд жараёнини кўриб, тўғриси, ҳайратланишганини яшира оlishмади. Судья ва айбланувчи ўртасидаги айблов хулосаси тўғрисидаги ўзаро мулоқотнинг бунчалик очик-ошкоралиги улар учун янгиллик экан.

Бухоро вилоятига қараб микроавтобусда борар эканмиз, салонда ҳам Ўзбекистондаги суд жараёни бундан кейин янги тартибда ўтказилиши, айбдор ва айб-

сиз шахс орасидаги тафовутга бефарқ бўлмаслик тўғрисида савол-жавоблар сонда этди. Бухоро вилояти, Роми-тан туманидаги суд биносидан ўтказилган мулоқот янада жонли тарзда кечди. Энди маҳаллий ва хоржиқлик меҳмонлар пресс-тур амалиётини ўрганиб олишганди. Албатта, хоржиқдаги суд тизимида айбланувчининг адвокати асосий роль ўйнайди. Айбдор ҳар қандай саволга жавоб берилмаслик ҳақли ҳисобланади. Бизда суд жараёнида айбдор ҳам ўз фикрини айтишига рухсат этилади. Адвокат танлашда ҳам бизда нисбатан эркинроқ, яъни мазбодо, судланувчи адвокат ёлламасдан, давлат бепул адвокат билан таъ-

минлайди (баъзи ҳолларда ишни ўз фойдасига оғдириш учун адвокатни порага сотиб олиш ҳоллари учраб тура-да). Хуллас, ушбу тадбир юртимизда кейинги йилларда суд тизимида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар мазмун-моҳиятини янада теранроқ аниқлаш, жойларда суд идоралари фаолиятидаги ўзгаришлар билан ОАВБ вакиллари учун яқиндан танишиш имконини берди. Пресс-тур якунида Бухоро шаҳрида ўтказилган матбуот анжуманида Республика олий суди раиси Қозимжон Комилов иштирок этди.

Юсуф ЖўРАЕВ,
“Hurriyat” мухбири.



АДОЛАТ ТАЪМИНЛАНСА ХАЛҚ РОЗИ БЎЛАДИ

Адолатлик гоёси, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, “Адолат-қонун устуворлигида” тамойилни амалиётга янада кенг жорий этиш “Адолат” СДП учун устувор йўналиш бўлиб қолаверади. Партиямиздан кўрсатилаётган номзодлар ўз дастурларини тузиб чиқишда ижтимоий ривожланиш масалаларига асосий ургуни қаратдилар.

Таввақал ЧОРИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчи-
лик палатаси депутатлигига
номзод:



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЯХШИЛАЙДИ

Асосий Қонунимиз жамият ҳаётида давлат, қолаверса, ҳар бир инсон, ҳар қайси оила ҳаётида муҳим ўрин тутади. Ваҳоланки, ҳеч бир давлатда ҳеч қайси фуқаро ўз ҳаётини,

қундалиқ турмуш тарзи ва келажакни Конституцияда боб акрайтилиши, ҳар бир оила жамият ва давлат муҳозафасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги кафолатлангани, оналик ҳамда болалик давлат томонидан муҳозафа қилинишига оид меъёр қайд этилгани болажақ, бағрикенг ва оилапарвар ҳалқимизда фахр ҳиссини уйғотади. Мазкур нормалар ҳо-рижлик экспортерлар томонидан ҳам ўқитиб атилади-ётган. У Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ўзига хос жиҳати, ўзбекистон кадрларнинг қонунийликдаги инфодаси сифатида баҳоламоқда. Зеро, она ҳамда бола саломатлиги, кесаларга гамхўрлик кўрсатиш, оилалар барқарорлигини таъминлаш истиқлоқнинг дастлабки йилларидаёқ — кучли ижтимоий сиёсат юритишнинг амалий инфодасига айланган.

Инсон борки, миллати, ёши, эътиқодидан қатъи назар, ўз бахтини, аввало, оиласи, яқинларининг тинчлиги, саломатлиги, ҳавфсизлиги билан боғлиқдир. Оила мустақамлиги эса жамият, давлатнинг тараққиётига хизмат қилади. Шу боис Қонунимизда оила, инсон ҳуқуқ ҳамда манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилади.

Мамлакатимиз давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган сўзими исботидир. Тиббиётнинг устувор йўналиши бўлган профилактик тиббиётга, яъни бирламчи бўлин — қишлоқ врачлик масканларига катта эътибор қаратиляпти. Махалларда, мактабларда, лицейларда, коллежларда, олий-гоҳларда тизимли равишда аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва тиббий маданиятни ошириш мақсадида тарғибот-ташвиқот ишлари тизимли равишда олиб бориляпти.

Ойшаҳон ҚОСИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутатлигига номзод:



ЯРАТИЛАЁТГАН ИМТИЁЗЛАР — ГАМХЎРЛИК БЕЛГИСИ

Мамлакатимизда ижтимоий соҳа борасида амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламини қўллаб-қувватлаш, пенсиялар, ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш, ишсизларни иш билан таъминлаш, уй-жой олишларига кўмаклашиш, тадбиркорлик билан шуғулла-

нишлари учун имтиёзли асосда банкдан кредит маблағлари ажратиш каби имкониятлар яратилмоқда. Бу имтиёзлар кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, фарзандини ёлғиз воғга етказётган оналар, каровчисиз қолган кесалар, ногиронлар учун катта аҳамият касб этмоқда.

2017-2021 йилларга мўлжалланган “Харакатлар стратегияси” асосида ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш каби йўналишлар белгилаб олинди.

Эътироф этиш жоизки, ўтган қисқа икки йил ичида юқорида таъкидланган йўналишлар бўйича мислсиз ишлар амалга оширилди. Бу амалга оширилган ишларни қундалиқ ҳаётимизда ҳам бевосита кузатишимиз мумкин. Дарҳақиқат, арзон уй-жойлар қурилиб, кам таъминланган оилаларга имтиёз асосда берилмоқда. Аҳолининг реал даромадлари ойлик, маош, пенсия ва нафақаларни ошириш, қолаверса, тадбиркорлик имкониятларини кенгайтириш ҳисобига ошиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тиббиётни модернизация қилиш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда сезиларли натижаларга эришмоқдамиз.

Маълумки, фуқаролар давлат бошқарувида билвосита ёки бевосита иштирок этади. Бунинг учун эса мамлакатнинг олий вакиллик органларини сайлаш орқали амалга оширилади. Шу сабабдан фуқаролар сайловларда фаол иштирок этиб, ўзлари учун муҳим деб билган ўз номзодларини сайлашлари лозим. Партияимиз Сайловолди дастурига долзарб вазифалардан бири сифатида давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлашга ўрн берилмоқда.

Дилшод БАРАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчи-
лик палатаси депутатлигига
номзод:



ИЖТИМОЙ МАНФААТЛАР — БИЗНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИМИЗ

Аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллиги юқалиб бораётганлигини, ижтимоий тармоқларда ҳар бир масала кенг муҳозафа бўлаётганини ҳисобга олиб, давлат ва жамият ҳаётига оид муҳим масалаларни кенг жамоатчилик муҳозамасидан ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий ва институционал механизмларини янада такомиллаштириш, жамоатчилик назоратининг алоҳида шакли сифатида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини ўзида акс эттирадиган “Жамоатчилик муҳозамалари тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш мумкин деб биламиз.

Неча минг йилликлар давомида кўрмаган, гувоҳ бўлма-

ган нарсаси қолмаган бу донишманд дунёни хайратга солиш осон иш эмас. Бироқ ўтган йиллар ичида Ўзбекистонда давлатнинг бош ислохотчилигида, халқнинг қатъий азму қарори, гайрат-шижоати, фаровон келажакка ишонч туйғуси, ёшлар, хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги билан амалга оширилган ишлар чиндан ҳам хайратланарли. Бу — юртимизда ўтказилаётган қўллаб-қувватлаш аҳоли иштирокчилари, нуфузли давлат ва жамоат арбоблари, сиёсатшунослар, иқтисодчи олимлар, жамоатчилик фикрини ўрганиш халқаро марказлари мутахассисларнинг фикри.

Биз бугун эмин-эркинликда кечяётган умримизнинг навбатдаги доводига туриб, босиб ўтган йўлимизга, эришган муваффақиятларимизга, ҳаётимизда, онг-шууримизда юз берган ўзгаришларимизга ва айниқса, истиқлол шароитида ўсиб улғайган ёшлар фаолиятига назар ташлаб, фикр-мулоҳазаларига қўлак тутар эканмиз, қалбимизда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради, дунёнинг бугунги шиддатига ҳар жиҳатдан мос янги баркамол авлод камолга етаётганига, ўтган йилларнинг ҳеч бири, ҳеч оёи исзис, самарасиз кетмаганига амин бўламиз. Бу йилларни истиқлол солномасининг энг мураккаб, аммо бениҳоят сармазмун ва шарафли саҳифалари десак, мунолага бўлмайди.

Ўтган давр мобайнида халқимиз ҳаётда кўп нарсаларни кўрди, эврилишларнинг шохиди бўлди. Лекин бугунгидай даврни, юртинг юксалаётгани-ю эл турмуши фаровонлашиб, ёрқин истиқбол сари ал оидимлар ташланаётганига шўхид бўлиш шу пайтгача ҳеч кимга насиб қилмаган эди. Шўхиди, бунга гувоҳ бўлиш бизнинг маҳрумимизга тўшди.

Муаттар АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутатлигига номзод:



ДАВЛАТНИНГ ЯРАТУВЧАНЛИК РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШ ЛОЗИМ

“Адолат” СДПнинг асосий ижтимоий-иқтисодий муносабатлари фақат қонунийлик йўли билан мувофиқлаштиришга, шунингдек, қонуности ҳужжатларнинг сони ва доирасини қисқартиришга интилади. Қонун давлат ва жамиятни бошқаришда асосий восита бўлиши лозим. Қонунларнинг юқори сифати ва барқарорлигига эришиш, уларни ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратиш, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ва ҳақиқат гоялари партия депутатлик корпуси қонуний фаолиятининг асосий мезони бўлиб қолади. Партия давлат бундан кейин ҳам инсоннинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ҳимоя қилинишининг ишончли ка-

фолати бўлиб қолиши керак, деб ҳисоблайди. Партия бундай ҳуқуқларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришни ўзининг бош вазифаси сифатида кўради ва бунда асосий устувор йўналишлар сифатида қуйидагиларни қайд этади. Меҳнат ва бандлик, даромадларнинг адолатли тақсимлини, ижтимоий ҳавфсизлик ва меҳнат муҳозафаси, соғлиқни сақлаш, қўлай турмуш шарт-шароитларини яратиш, демократик бошқаруви мустаҳкамлаш.

“Адолат” СДП адолатли фуқаролик жамияти қурилишида бундан кейин ҳам давлатнинг яратувчанлик роли кучайиши тарафдори. Айни пайтда биз жамиятда янада катта ўзгаришлар юзага келиши ҳамда фуқароларга кўмак кўрсатилиши учун ижтимоий соҳани ажратилаётган маблағларнинг оқулونا ва самарали сарфланишини ёқлаб чиқамиз.

Партия кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этади. Аҳолининг ўта бойлар ва камбағалларга бўлиниб, кескин табақаланиб кетишига йўл қўймастик, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ сарф-харакатларни амалга ошириш бундан кейин ҳам партиянинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Биз ўзимизни аънавий социал-демократиянинг ижтимоий адолат тамойили ва кенг қўламини ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлат гоёсини қўллаб-қувватлашга қодир куч, деб биламиз.

Аدل дарахтини қўрганмисиз? Мутахассисларнинг айтишича, уни қирғани, қиялик жойгами, сайхонликками, қаерга экишса ҳам, фақат тўғри ўсар, унинг қаддини бунга қайсар табиатнинг ҳам кучи етмас экан. Шунинг учун ҳам, одамлар азал-азалданок ўзларининг умр йўллари, ишлари, иқтисодий, маънавий ҳаётлари ўша дарахтдек тўғри, пок бўлишини истаб, адолатли ардоқлашиб, унга интилиб ашшаган.

Бизнинг социал-демократик партияимиз ўз номини шундай деб атаганида у ўз олдига жамиятимизда ижтимоий адолатнинг мустаҳкамлалини, унинг ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида устувор бўлиши учун ҳаракат қилишни мақсад қилиб қўйган ва бу партияимизнинг Низоми ва Дастурида энг асосий вазифа этиб белгиланган эди.

Партияимиз, унинг фаоллари, шу жумладан, Олий Мажлисга партияимиздан сайланган депутатлар ҳамда навбатдаги сайловларга кўрсатилган номзодлар устувор мақсад ва вазифаларни адо этиш учун астойдил интилиб, Ватанимиз раванкига, унинг жаҳондаги энг илгор, демократик давлатлари қаторидан ўзига муносиб жой олишини тезлаштиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Ҳа, бу борада қилинган ишлар талайгина, аммо бажарилиши лозим бўлганларини ундан ҳам кўп.

Сайлов комиссиясини муваффақиятли ўтказиб, мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятига вакил бўлиб сайланадиган партияимиз вакилларининг юрт ва эл фаровонлигини, тинчлигини ва тараққиётини таъминлайдиган қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва улар иқросини ташкил қилишда фаоллик кўрсатишларига эса шўба бўлиши мумкин эмас.

ADOLAT YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

NOMZODLARIMIZGA OVOZ BERING!

Хориждаги юртдошларимиз

Ривожланган мамлакатларнинг етакчи университетлари ва нуфузли ташкилотларида ўқиб, ишлаб юрган ёшларимиз жуда кўп. Улар ўз билим ва салоҳиятлари билан Ватанимиз обрўсини, улуг номини дунёро янада танитишни мақсад қилишган десак хато бўлмайди.

Ёшлигиндан ўз эгу орзулари сари интилиб келган Жўрабек Ҳасанов ана шундай иқтидорли юртдошларимиздан бири. У ҳозирги кунда Япониядаги Nippon Electric Company корпорацияси ходими ва Япониядаги “Ўзбекистон ёшлари Ассоциацияси”нинг раиси вазифасида ишлаб келмоқда.

“Албатта, она юртимизга қайтаман...”

— Ўйлаб қарасам мендаги қатъият ва ҳар қандай вазиятда тушқунликка тушмаслик оdatи болалигимдан шакланган экан, — дейди Ж.Ҳасанов. — Бунда беш ёшимдан бошлаб шуғулланган “Таэквон-до” спорт тури катта роль ўйнаган. Спорт кишини руҳан кучли қилиб тарбиялайди. Рақиб билан майдонга тушганда, ўз кучингизга ишонгандек, ҳаётда ҳам фақат ўзингизга ишонишга, ютқанга таскин бермаган эса камчирилгангини тан олиб, ўз устингизда ишлашга ундайди.

Япониянинг энг кучли университетларидан бири Аояма Гакуин университетининг Халқаро сиёсат ва иқтисодиёт факультетини тугатдим. Компания бошқарувини ва иш юритишни ўрганиш мақсадида, 2016 йил Япониядаги “NEC (Nippon Electric Company) Corporation”га ишга кирдим. Ҳозирда шу ерда ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларига масъул ходим сифатида иш юритиб келмоқдам.

Чет элда бўлганда инсон ўз ватани ҳақида кўпроқ ўйлайди ва унинг раванкига ўз ҳиссасини қўшиш истаги пайдо бўлади. Мана шундай туйғулар мени ҳеч тинч қўймас эди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаган ислохотларга бефарқ турмай, ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қилдим. Япониядаги ватандошларимиз билан биргаликда “Япониядаги Ўзбекистон ёшлари ассоциацияси”га асос солдим. Мақсадимиз ватандошларимизнинг (Японияда 4000 нафарга яқин ўзбеклар яшай-

ХОРИЖДАГИ ВАТАНДОШНИ ВАТАНИГА НИМА ҚАЙТАРА ОЛАДИ?

“Биз ҳақиқатан билимли, тажрибали, ватанпарвар ёшларимизни қайтаришни хоҳлаймизми ёки барча ҳаракатлар ҳўжақўрсингами?” — деган саволга жиддийроқ қарашимиз керак. Агар биз уларни ҳақиқатан ҳам қайтаришни хоҳласак, Ўзбекистонда тизимдаги муаммоларни ўрганиб, уларни бартараф қилишимиз керак. Фақатгина шафдофлик ва эртанги кунга ишонч, ватандошларимизни она юртига қайтишга ундаши мумкин. Ҳозирги кунда қандайдир қандайдир юртдошларимиз хориждаги илгор компания ва ташкилотларда фаолият олиб



боришяпти. Улар орасида ватанга қайтиб, орттирган тажрибалари билан ватан ривожига ҳисса қўшишни хоҳлайдиганлар жуда кўп. Шу қаторда мен ҳам. Кўпчилик “Ойлигини чет элда қилиб берса келлади”, деб нотўғри фикрлашади. Аслида ҳамма нарсани пул билан ўлчаб бўлмайди. Чет элда яхши иш жойи бўлган мутахассис, ўз ишини ташлаб кетиши учун, борадиган ерида оиласини боқидиганга ва эртанги кунга умид бўлиши керак.

Масалан, Японияда халқаро компанияда фаолият юритяётган ишчи-ҳодим 3 йил асосий ишини ўрганиши, 3-5 йиллар оралиғида чет элда малака ошириб, 6 йил бошқа бўлимларда тажрибасини ошириши, 10 йилдан кейин бўлимга бошлиқ бўлиши (career plan) аниқ. Ўзбекистонда давлат ишиги қиришининг аниқ тартиби мавжуд эмас. Масалан, вазирликка ёки ҳуқу-

КЕЛАЖАҚДАГИ РЕЖАЛАРИМ

Японияда таълим олиб, билимларимни орттириб Ўзбекистонга қайтаман деб мақсад қилганман. Ким хохламайдидейсиз, ҳар тонг ватанининг иссиқ нафасига тўйиниб, ота-онасидан дуолар олиб ишга йўл олишни. Қўп ватандошларимизни билан фарздандларини ота-бобосининг юртида улғайишини истайдим. Албатта, Ватанимга қайтиш ва орттирган тажрибамни юртим ривожига ҳисса қўшиш йўлида сарфлаш менинг энг катта орзуларимдандир. Халқаро сиёсатда, иқтисодиётда ва 5 йилга яқин халқаро бизнесда орттирган тажрибам ҳозирги Ўзбекистонимизга қўл келадидеб умид қиламан. Юқорида айтиб ўтганимдек, тизимдаги шафдофлик инсонда эртанги кунига ишонч тугдира олса, чет элларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, албатта, Ватанимизга қайтади ва бор билим тажрибаси билан ўз юртимиз учун хизмат қилади. Ҳозирги кунда она диёримизда бу йўналишда ижтимоий ўзгаришлар юз бермоқда. Ишонаманки, тизимлар йўлга тушади ва менга ўша-ша ватандошлар бемалол она ватанга қайтиб ишлайдиган шароитлар яратилади.

“Hurriyat” мухбири
Наргиза БОБОМУРDOVA
ёзиб олди.

Хабарлар

Таълим дастури тақдимоти

Андижон давлат университетида АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда “Education USA” маслаҳат маркази вакиллари ҳамкорлигида талабалар билан АҚШда тахсил олиш дастурлари бўйича учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонасининг маданият ва таълим масалалари бўйича маслаҳатчиси Джоан Крам хоним, “Education USA” маслаҳат маркази вакиллари Райан Швайцер, Жонатан Патч, Лола Болтаева ва бошқалар талабаларга “Global UGRAD”, “The Fulbright Foreign Student Program”, “The Hubert H. Humphrey Fellowship Program” каби таълим дастурлари ҳақида маълумот беришди.

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ҳозирги кунда АнДУда АҚШ элчихонаси ҳамкорлигида STEM (“Science Technology Engineering and Math”) номли талабалар учун инглиз тили ўқув курслари ташкил этилган бўлиб, дарслар университетнинг хорижда малака ошириб келган ўқитувчилари томонидан мутлақо бепул ташкил этилган.

«Сенинг лойиханг — сенинг оламинг»

Тошкент давлат иқтисодий-ёт университетини ҳамда Урал давлат иқтисодий-ёт университетини ҳамкорлигида ташкил этилган Халқаро қўша таълим дастурида тахсил олаётган талабалар Россия Федерациясининг Челябинск шаҳрида бўлиб ўтган «Сенинг лойиханг — сенинг оламинг» халқаро чемпионатида иштирок этишди.

Бизнинг талабалар “Орзуингдаги савҳат” номли лойиха билан танловда иштирок этиб, 53 та гуруҳ ичида фахрли 1-ўринни қўлга киритиш ҳамда диплом ва кубок билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

► Таассуф



Қозилашган қариндош бўлмас

Ҳа, қозилашган қариндош бўлмас, деб бежиз айтишмаган экан. Ўз қондошингни судга етакладингми, ўртадаги ришталар аввалги ҳолига келиши мушкул...

Ёз фаслининг жазираси кунларидан бири эди. Биз суд таркиби билан белгиланган манзил бўйича сайёр суд мажлисига чиқдик. Фуқаролик иш юритувида Фуқаро Адизов Равшаннинг синглиси Зокирова Саидага нисбатан уй-жойни бўлиш ҳақидаги даъвоси мазмунан кўрибди. Низоли турар-жойда ака-сингиллар, яъни даъвогар ва жавобгар ўз оила аъзолари билан биргаликда яшаб келганлар. Улар уй-жойдан фойдаланиш тартиби ва мулкни бўлиш борасида ўзаро келиша олмаганликлар сабабли ака даъво аризаси билан судга мурожаат этган. Туман суднинг қарори билан Равшаннинг даъвоси қаноатлантирилиб, тарафларга низоли уй-жойдан фойдаланиш тартиби қонуний асосларга кўра бўлиб берилди. Аниқланишича, низоли Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Лутфий кўчаси, 115-уйнинг 1/3 қисми ворислик ҳақидаги гувоҳномага асосан даъвогар Р.Адизовга, қолган 2/3 қисми эса ушбу гувоҳнома ҳамда ҳада шартномасига асосан жавобгар С.Зокировага тегишли.

Ўтганда судлар уйдан фойдаланишнинг амалда шаклланган ва умумий мулкдаги улушларга батамом мутаносиб келмаслиги ҳам мумкин бўлган тартибини, мулкдорлардан ҳар бирининг уйдан фойдаланишга бўлган эҳтиёжини ҳамда биргаликда фойдаланишнинг реал имкониятини инобатга олишлари зарур.

Мулкдорга фойдаланиши учун кириш-чиқиш йўли алоҳида, шунингдек, алоҳида бўлмаган яшаш хоналари ажратиб берилиши мумкин. Бундай ҳолда, умумий мулк бўлган уйга нисбатан мулк ҳуқуқи бекор бўлмайди. Ёрдамчи иморатлар ва қурilmалар (пиллапоярлар, йўлак-дахлизлар, иситгич асбоблар ва шу қабилар) умумий фойдаланишда қолдирилиши мумкин.

Ушбу норма талабларини Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 5-моддасига асосан мазкур фуқаролик ишига ҳам татбиқ этиш мумкин бўлади. Суд иш ҳолатига оидинлик кириштириш мақсадида судга оид қурилиш-техник экспертизасини ҳам тайинлаган. Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказининг хулосасига кўра, низоли уй-жойни бўлиш вариантлари мавжуд бўлиб, ўзбошимчилик билан қурилган иморатлар умумий фойдаланишда қолдирилиши мумкин бўлади. Унга кўра, айвон ўртасини ёпиши, жумладан, айвондан ҳамда умумий фойдаланишдаги дарвозадан алоҳида кириш-чиқиш йўлини очиб мумкинлиги аниқланган. Сайёр суд мажлисида раислик этувчи тарафларга эксперт хулосасидан келиб чиқиб, ўзаро келишган ҳолда низоли тинч йўл билан ҳал этишни ва кириш-чиқиш йўлагини алоҳида, бошқа ердан очиш таклифини берди. Бунга даъвогар Р.Адизовнинг жавоби шундай бўлди: "Ҳурматли судья, агар мен уйнинг бошқа жойидан дарвоза очсам, эртага мачитга чиқишга қийналаман, менга узоклик қилади...". Бу жавоб нафақат суд таркибини, балки Сиз газетхонни ҳам хайратлантириши табиий.

Кодекснинг 223-моддасига асосан улушли мулк иштирокчилар ўртасида уларнинг келишувига мувофиқ тақсимланиши мумкин. Бунда иштирокчи ўз улушини умумий мол-мулкдан ажратиб беришни талаб қилишга ҳақли. Улушли мулк иштирокчилари умумий мол-мулкни тақсимлаш ёки улардан бирининг улушини ажратиш усули ва шартлари тўғрисида келишувга эриша олмасалар, ўз улушини асл ҳолида ажратиб беришни суд орқали талаб қилишга ҳақли.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг "Яқна тартибда қурилган уйга бўлган мулк ҳуқуқи билан боғлиқ низолар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарорининг 19-бандида тушунтирилишича, умумий улушли мулк бўлган уйдан улушни асл ҳолида ажратиб бериш (уйни бўлиш) мумкин эмас. Лекин бу умумий улушли мулк иштирокчисининг уйдан фойдаланиш тартибини белгилаб бериш ҳақидаги талаб билан арз қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди. Бундай талабни ҳал эт-

Сайёра
РАҲМАТУЛЛАЕВА,
журналист.

► Баркамол авлод

Келажак сари илдам қадам

Самарқанд шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази ўқувчи-ёшларнинг мактабдан ташқари таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, уларга мактабдан ташқари билим, кўникма бериш, ҳар бир боланинг билим даражасини, ижодий имкониятларини аниқлаш ва тўлақонли ривожлантириш орқали таълим дастурларини ўзлаштиришга эришишни ўз фаолиятининг бош мақсади деб билади.

Бугунги кунда жами 56 та гуруҳларда 1260 нафар ўқувчилар тўғаракларга қатнайди, шулардан 350 нафари Меҳрибонлик уйи ва SOS болалар маҳалласи тарбияланувчилари ҳисобланади.

Болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг ижодий ва бадий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда фойдали дам олишни ташкил этишда уларда меҳнатсеварлик, касб тайёргарлиги каби дастлабки ўқув ва кўникмаларни сингдиришдан ташқари, компьютер технологиялари ишини ўрганишни ташкил этган ҳолда марказ болаларнинг теҳлик ижодкорлигини такомиллаштиришда ёрдам беради.

— Фаолиятимиз давомида болаларнинг жонажон ўлка тарихи, археологик ва маданий меросини чуқур ўрганиши, мамлакатимизнинг табиий бойликлари билан таништириш ҳамда экология ва атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимларни эгаллаб олишларида кўмаклашади. Мактабдан ташқари замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари кенг жорий этишда яқиндан ёрдамлашади, — дейди Самарқанд шаҳар "Баркамол авлод" болалар маркази директори Наргиза Қобилова.

Ўқувчиларнинг қизиқишларига кўра бошланғич касб-ҳунар сирларини пухта эгаллашлари ва таълимнинг кейинги босқичини тўғри танлашларида кўмаклашиш ҳамда ижодий меҳнат қилишларига шарт-шароитлар яратиш йўлида марказ маъмурияти ва хо-



димлари сидқидилдан меҳнат қилишмоқда.

Марказ кўп тармоқли бўлиб, фаолият юртакдан худудининг хусусияти, ўқувчиларнинг қизиқишлари ва эҳтиёжларига кўра, уларнинг ижодий имкониятларини янада ривожлантиришга қаратилган техник, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология ҳамда спорт ва чет тили йўналишларини ўз ичига олган ҳолда фаолият кўрсатади.

Марказда 6 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалар ҳар томонлама камол топишлари ва бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун кенг имкониятлар мавжуд.

Албатта, қилинган меҳнат тақдирланганда оидинлашади. Яқинда бўлиб ўтган "Йилнинг энг яхши "Баркамол авлод" болалар маркази" республика сиртки танловида Самарқанд шаҳар "Баркамол авлод" маркази ҳам иштирок этди ва фахрли 3-даражали диплом соҳиб бўлди.

Жанубий Кореяда бўлиб ўтган "Робототехника" халқаро танлови-

да Фозилбек Анваров, Шукрбек Рўзимуродовлар иштирок этиб сертификат ва олтин медал билан тақдирландилар. Бундан ташқари, вилоят "Баркамол авлод" болалар марказида бўлиб ўтган "ЗАРБ-2019" ёш доирачилар кўрик-танловида голиб бўлган шаҳар маркази Республика босқичида 2-даражали дипломни кўлга киритди. Шунингдек, "Йилнинг энг яхши дастурчиси" кўрик-танловида "Adobe Photoshop" ва "Corel Draw" йўналишида шаҳар маркази 1-даражали диплом билан тақдирланиб, Республика босқичига йўлланма олди.

Кўриниб турибдики, Самарқанд шаҳар "Баркамол авлод" болалар марказида ўқувчи-ёшлар билан ишлаш, уларнинг иқтидорини, истеъдодини намойиш қилишларида ҳамма камарбаста бўлиб келмоқда.

Убайдулло
ХУЖАНИЁЗОВ,
"Hurriyat" мухбири.

Иқтидорли болалар маскани

Навоий вилояти, Қизилтепа туманидаги Қалъайи азизон МФЙда жойлашган Давлат хусусий-ширикчилик асосида ташкил этилган «Тинчлик ёшлари» нодавлат мактабгача таълим ташкилотидан Президентимиз томонидан илгари сурилган "Беш ташаббус" гоёсини амалиётга татбиқ этиш мақсадида вилоят семинари бўлиб ўтди.



Келажак авлодини баркамол руҳда вояга етказиш, уларнинг иқтидорларини намойиш этишига шароит яратиш бурчимиз. Нодавлат мактабгача таълим муассасасида ташкил этилган семинарда тарбияланувчилар миллий анъаналар, спорт, рақс сингари мусобақаларда бор иқтидорларини намойиш этишди. Кўтаринки ҳамда шавқу завқ билан ўтган бешлашув голиблари туман раҳбарияти мутасаддилари томонидан муносиб тақдирланишди.

Зулхумор ИСМОИЛОВА,
Қизилтепа тумани Мактабгача таълим бўлими ходими.

► Қилмиш

Баҳона жиноятни оқламайди

Инсонда масъулият ҳисси бўлмас, на яқинларини, на қонун олдидаги бурчини англамас экан. Фарғона вилояти Кува туманида яшовчи Мусаффоҳон Ҳожиматов оиласи билан ажрашган ва фарзандлари учун ажратилган 12 миллион сўм миқдоридagi алиментни тўламай қочиб юрган. Яқинларнинг таъқибидан қочиб қутулиш мумкинлиги, лекин суд қарорини бажармай узок вақт юришнинг иложи йўқ.

Шу маънода, ижрон таъминлаш мақсадида, унинг уйига борган мажбурий ижро бюроси Кува тумани бўлими ходими Ҳ.Тўлқинжоновга М.Ҳожиматов қаршилик кўрсатиб, темир жимс билан унга тан жароҳати етказган. У зўравонликнинг оқибатида аввалгидан ҳам ёмонроқ вазиятга тушди. М.Ҳожиматов

Ўзбекистон Республикаси ЖК 105-моддаси 2-қисми "в" банди ва 219-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилди. Унга тегишли жиноят иши Толмозор маҳалла фуқаролар йиғини биноси, очик суд мажлисида кўриб чиқилди. Суд унга 3 йилу 6 ой муддатга озодликдан ҳам ёмонроқ вазиятга ва ундан жабрланув-

чи Ҳ.Тўлқинжонов фойдасига 7922000 сўм миқдоридagi моддий зарарини ундириш белгиланди. Элёржон Абдураимов ҳам Кува туманида яшаган. Хали ўттизга тўлган бу йилнинг уйдаги 180 м² экин майдонига беш туп "наша" ўсимлигини экиб, парваришлаб келган. Бу иши қонунга хилоф эканини яхши билган, албатта. Лекин унга буюм камлик қилган шекилли, тумандаги "Гулистон" МФЙ худуди ариқ бўйида ўсиб чиққан, ёввойи ҳолдаги ўсимлигини ҳам юлиб олиб келган ва уйда қуритиб қўйган. Кува туман "Гулистон"

МФЙ томонидан берилган ёзма хабарга кўра, жорий йил 5 октябрь куни туман ИИБ ходимлари Э.Абдураимовнинг ҳовлисидаги экин майдонини кўздан кечиришганда, у экин парваришлаган беш туп "каннабис" ўсимлиги ва хонадон айвонидаги хас-хашаклар орасида сақланган, қуритилган ҳолдаги гиёҳвандлик моддаси ашёвий далил тарикасида олинган. Шу йил 19 ноябрь куни жиноят ишлари бўйича Кува туман суди, сайёр суд мажлисида ушбу иш ҳам кўриб чиқилди. Судланувчи Э. Абдураимов ўзига эълон қилинган айбловга

► Тарбия

Манзилга шошиб борар экансиз, автобус салонида турли воқеаларга дуч келасиз. Кимдир ўзидан катталарга жой берса, айримлар кичикларга эътибор кўрсатади. Аммо ҳамма ўсмир-ёшлар ҳам шундайми?

Шовқин қилманг, сиздан бошқалар ҳам бор...

Айрим тенгдошларимиз қаердалигини унутиб қўядими ёки одоби "ғовлаган"идани шериги билан овозини баралла қўйиб гаплашади. Худди атрофида ҳеч ким йўқдек. Бу миллатимизга ёт, одоб-ахлоқ қоидаларига тўғри келмаслигини ё билмайди, ё билса ҳам ўзлгимизни писанд қилмайди.

Автобусда ишга кетаётсам иккита ўспирин йигит, кўринишидан талаба бўлса керак, ўриндиқни банд қилиб, қўлидаги телефонга термунганча ниманидир титқилайди, атрофга қарагиси йўқ. Излаганини топишди шекилли, дарров қулоқчинини тақиб, кўзларини юмиб, бошини орқага ташлаб, телефонидан ниманидир эшита бошлади. Йўлда туриб қолган онахон: "Қани турларинг-чи! Инсофларинг борми ўзи?! На каттани билади булар, на кичикни", дея шангиллаб гапирган ноилоҳлиқдан, норози қиёфада ўриндиқни бўшатишди...



Эрталабки ўсмир-ёшларнинг кексаларга бўлган муомаласидан хижил бўлиб таҳририятга келаятсам, кичик мақола олиб келган талаба йигит кутиб турган экан, у ҳам кўрган-билганларини сўзлаб берди:

Уйимизнинг ёнида мактаб бор, ўқишга боргунча ҳар куни ёнидан ўтаман, бугун эрталаб мактабга келаятган ўқувчиларни кузатдим. Айримлари телевизорда кўрган чет эл фильмининг ўзларича муҳокама қилишарди, қулоқ тутдим, бири: "Вой, ана уни, кўрдингми? Ўғлимизни, отасини уриб ўлдирган", деса, иккинчиси: "Ман-чи, уни кўрмадим, ана уни, севги ҳақидагисини кўрдим, боғда учрашиб туришди-ку! Ушани...", дейди. Юз ифодасига назар соламан, юз-кўзида кинодаги қаҳрамонлар хулқ-атворининг таъсири борлиги сезилади. Беихтиёр оиласида муҳит қандай экан, деб ўйлаб қолдим. Баъзиларнинг кийинишини кўриб энсам қотди, аслида кишининг қунида енгил-елли, тор кофта-юбкада юришининг соғлиққа ҳам зарари бор. Бир қарашда мактаб ўқувчисига ўхшамайди. Қулоғига қулоқчин тақиб олган ўсмирлар, салом бериш у ёқда турсин, олдидан ёши катта одам ўтиб кетса ҳам сезишмайди. Бу кетишда эртасми қандай бўларкин?

Узаро фикрлаш жараёнида бундай муаммоларнинг олдини олишнинг ечими: "Оила-Маҳалла-Мактаб" ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш кераклигини англадим. Ахир, "бир болага етти маҳалла ота-она", деб бекорга айтишмаган...

Албатта, бунга Фарбнинг яланғоч маданиятини тарғиб қилувчи телесериаллар, кинолар ҳам сабаб бўлмақда. (Аслида, ўзимизнинг сериалларимиз ҳам улардан қолишмапти). Куну тун телевизорда чет эл киноларини намойиш қилишади. Баъзи фильмлар миллатимиз, динимизга ёт гоёларни тарғиб қилади. Ахир, бизнинг мафкурага асосланган фильмлар тенгдошларимизнинг тарбиясини бузмаслигига ким қаролат беради?

Муҳаммадсодиқ ТҲҲАЕВ.

Ҳаётнинг паст-баланди дуч келмаслиқдан ҳеч ким қафолатланмаган. Тақдир синовлари, ҳар хил ташвишлар ҳар бир инсоннинг бошида бўлиши мумкин. Ўзининг иродасизлигини турли баҳоналар билан оқлаши эса кап-катта йигитнинг иши эмас, албатта. Холбуки, Элёр каби йўл тутадиганлар бу иллат билан яқинларига, оиласига нечоғли зарар етказаятганларини англашлари зарур эди. Қилмиш-қидирмиш дейдилар. Жиноятга жазо муқаррар. Энди ҳамма гап ўз қилмишига яраша жазога тортилган бу инсонлар, қўйган қалтис қадамларидан тўғри хулоса қиладиларми? Кун кели, озодликка чиқишга, тўғри ҳаёт кечирадиларми? Ҳамма гап шунда.

Зафаржон ОМОНОВ,
жиноят ишлари бўйича Кува туман суди раиси.

Монополия — халққа жабр етказмаслиги керак



Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий аҳамиятга молик товар ва хизматлар нархлари ҳамда тарифлари норматив ҳужжатларда белгиланган меъёрлардан ошиб кетмаслиги учун ушбу нархларни шакллантириш устидан қатъи давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш тарафдори.

Шу мақсадда партия ижтимоий аҳамиятга эга товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчи компанияларнинг монополиясини чеклаш, жумладан, монопол корхоналарни мажбурий равишда бўлиш ва уларнинг таркибидан мустақил хўжалик субъектларини ажратиш бўйича қонунчиликка тегишли процессуал меъёрларни киритиш тарафдори.



Ҳаётнинг ўзи Ўзбекистонда монополистик фаолиятни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асосиз оширилишига йўл қўймайди, рақобат ва унинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш иқтисодийни модернизация қилиш шароитида асосий вазифа эканлигини намойиш этмоқда. Зеро, сўнгги йилларда иқтисодий тизимнинг жадид иқтисодийга интеграциялашувининг кучайиши, бозорда турли молиявий, иқтисодий ҳамда мулкий муносабатларнинг янги шакллари ривожланиши натижасида бозор қўйган талабларни, яъни шаклланган муносабатларни тартибга солиш зарурияти юзага келмоқда.

лакатда монопол корхоналар сони икки баробар қисқарди. Монопол компаниялар вазият тақозоси билан камайган бўлса бордир, аммо мамлакатда божхона соҳаси бўйича жорий этилаётган янги тартиб-таомиллар ортдан бошқа йўналишда монополлар вужудга келишига шариқ яратиб бермаётганими? Аммо бу соҳада ўз ечимини қутаётган тизимли масалалар кўзга ташланмоқда.

Боз устига, товар ва молия бозорларида давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектлар мавқеи баланд. Улар монополияларнинг 80 фоизини ташкил қилмоқда ва ўз назоратлари остида бўлган тузилмалар ташкил этиб, рақобатга салбий таъсир кўрсатмоқдалар. Бугун бундай корхоналар сони 4,3 мингдан ортқини ташкил этади. Давлат иштирокидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг самарасизлиги субсидия бериш, солиқ ва божхона имтиёзлари, имтиёзли кредитларни тақдим этиш шаклидаги давлат кўмаги билан қопланмоқда. Молия ва капиталлар бозорларида давлат иштироки қарамай, бозорда, реал ҳаётда ўзгаришлар, тадбиркорлар олдида турган тўсиқлар талайгина. Бу тўсиқлар яна ўша монопол корхоналарнинг манфаатига хизмат қилиб, оддий меҳнатқашлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларнинг ҳаётини оғирлаштиради. Шу сабабли биз монопол корхоналарни мажбурий равишда

бўлиш ва уларнинг таркибидан мустақил хўжалик субъектларини ажратиш бўйича қонунчиликка тегишли процессуал меъёрларни киритиш тарафдори.

Бизнес субъектлари учун бозорга чиқишда сунъий тўсиқлар ҳали-ҳануз мавжуд. Натижада Жаҳон банки маълумотларига кўра, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг соф оқими паст даражада сақланиб қолмоқда. Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистон 180 та мамлакат орасида 140-ўринни эгаллади. Бу вазиятда ҳукумат товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегияси бўйича йўл харитаси қабул қилишни тезлаштириши керак. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, бу соҳадаги фаолият юзасидан Сенат мунтазам равишда Монополияга қарши курашиш кўмитасининг ахборотини эшитиш ҳамда амалиётини жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Аслида охириги ўн йилликлар бутун дунё миқёсида рақобат тўғрисидаги қонунларни (улар трестларга қарши ёки монополияга қарши қонунлар деб ҳам аталади) янада ривожлантириш ва амалиётга киритиш даври бўлди. Собиқ социалистик лагернинг парчаланиб кетиши оқибатида Шарқий Европа ва Марказий Осиёнинг кўпчилик мамлакатлари рақобат сиёсатининг негизи ҳисобланган бозор иқтисодиёти тамойилларини жорий қила бошлаган бир вақтда, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар ҳам бир жойда тўхтаб қолмай, амалиётда фойдаланилаётган монополияга қарши қонунчиликка ўзгартиришлар киритиб бордилар. Ҳозирги кунда дунёнинг 100 дан ортқин мамлакатларида монополияга қарши қонунчилик мавжуддир. Ана шу халқро тажрибалардан келиб чиқиб айтиш мумкин, монополияга қарши кураш рақобатни ривожлантиришга хизмат қилади. Янги технология жорий қилиш, талабга жавобан товар турларини тез ўзлаштириш, малакали ишчи кучига эга бўлиш ва замонавий маркетинг хизматидан фойдаланиш қабили рақобат курашидан ёлиб чиқиш шартига айланади. Монополия рақобатга зид ҳодиса, чунки у товар ишлаб чиқарувчига таъхир ҳуқуқдорликни таъминлаб, ўзаро беллашув учун шариқ қолдирмайди.

Рақобат кураш йўлини танлаш жиҳатдан ҳам ҳалол ва гирром рақобатга бўлинади. Ҳалол рақобат бозордаги курашда қабул қилинган, ҳаммага мақбул усуллар билан олиб борилади, бозор қоидаларига асосланади. Гирром рақобатда тақиқланган ва қораланган усуллар, яъни қаллоблик, кўзбўямачилик, сўзида турмаслик, алдаш, иқтисодий жосуслик, кўпорувчилик ва ҳатто жисмоний зуравонлик каби жиноятқорона усуллар қўлланилади. Бозор иқтисодиёти аслида фақат ҳалол рақобатни тан олади. Рақобат иқтисодиётни соғломлаштириб туради. Рақобатдан жамият манфаатлари йўлида фойдаланиш ва уни назорат қилишда парламент томонидан қабул қилинади монополияга қарши қонунлар муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.

Расмий маълумотларга кўра, дунёда бир миллиарддан ортқин турли даражада ногиронлиги бор одамлар яшайди. Бу эса ер юзи умумий аҳолисининг 15 фоизини ташкил қилади, улар “дунёнинг энг йирик озчилиги”дир.



2006 йилда БМТ Бош Ассамблеяси

БМТ Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конвенциясини ва ногиронлиги бор одамларнинг ҳуқуқларини ва шаънини ҳимоя қилишга қаратилган Факультатив Протоколни қабул қилди. У 2008 йилда кучга кирган.

“Дунёнинг энг йирик озчилиги”

Ногиронлар ҳуқуқларини тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиш бизга нима учун керак?

Конвенция йигирма биринчи асрда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги биринчи шартнома: халқро қонун тарихида инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги энг тез келишилган ва интернет орқали олиб бориладиган кенг миқёсдаги консултациялардан келиб чиққан биринчи шартнома ҳисобланади.

БМТ Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конвенцияси ўзининг имзолаш кунидан бошлаб ҳар қандай бошқа инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциялардан ҳам кўпроқ имзоларни қабул қилди. Конвенция янги инсон ҳуқуқларини ўрнатмасда, давлатларга ногиронлиги бор одамларга нисбатан, ўта аниқлик билан, уларни ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва қўллаш мажбуриятларини кўрсатиб беради.

Мавжуд инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциялар ногиронлиги бор одамларнинг ҳуқуқларини қўллаш ва ҳимоя қилишда айтилган имкониятларни таққил қилган бўлса ҳам, лекин маълум бўлди-ки, бу салоҳиятдан фойдаланилмади. Ҳақиқатан, ногиронлиги бор одамларнинг инсон ҳуқуқларини инкор қилишда давом этдилар ва улар дунёнинг барча нуқталарида жамиятнинг бир четида сақланиб келдилар. Конвенция нафақат давлатлар томонидан ногиронлиги бор одамларни камситилмасликларини аниқлаштириб беради, балки улар жамиятда кадр-қиммати билан ҳаётдан завқлана олишлари учун қулай шариқлар яратиб беришда кўплаб муҳим ҳақларни баён қилади.

Шундай қилиб, Конвенция, бошқа инсон ҳуқуқлари шартномаларидан фарқли ўлароқ, давлатлар томонидан камситилишни тақиқлаш ва ҳамма учун тенг ҳуқуқликка эришиш борасида чора-тадбирларни ўрнатиш йўлида янада қўрқорқ ёндашишга имкон яратди. Уларда ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва кадр-қимматларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини ва бу ҳуқуқлардан бошқалар билан тенг равишда фойдаланиш имкониятларини кафолатлаш тамойиллари белгилаб қўйилган.

Конвенцияда қайд этилган қоидаларга риоя этилиши ва иштирок этувчи давлатларнинг маъмур масала бўйича мажбуриятларининг ижросини таъминлашни мувофиқлаштириш ва бунинг мониторингини амалга ошириш мақсадида БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича кўмитаси ташкил этилган.

“Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга Факультатив протокол”да ушбу Кўмитанинг ўз юрисдикциясида бўлган шахсларнинг ёки шахслар гуруҳининг ёхуд улар номидан ушбу иштирок этувчи давлат томонидан Конвенция қоидалари бузилишининг жабрдийдалари эканлиги тўғрисидаги аризаларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш ваколатлари белгилаб қўйилган.

БМТга аъзо 192 та давлатдан 155 таси уни имзолади. Ўзбекистон Ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Конвенциясига 2009 йил 27 февралда имзо чекди. Аммо уни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган ратификация чўзилиб кетди. Ўзбекистон ХДП ногиронлиги бор шахсларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига доимий эътибор қаратиб келган. Ана шу мақсадларнинг давомий сифатида БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари бўйича Конвенциясини ратификация қилиш ташаббусини ўз фракцияси орқали ўрнатилган тартибда илгари суришни мақсад қилган.

Конвенция нима учун муҳим?

Конвенциянинг асосий мақсади — имконияти чекланган одамларнинг тенг ҳуқуқлигини ҳимоя қилиш ва таъминлаш. Бу ҳукумат кўчага чиқишда пандусларнинг ёки жамоат транспортидан тушишда махсус ускуналарнинг йўқлиги сабабли муаммоларга дуч келаётган ногиронлиги бор шахслар учун инфраструктура шариқини яратиб бериш кераклигини билдиради. Шунингдек, ногиронлиги бор шахслар бошқа фуқаролар билан бирдек тиббий хизматлардан тўлақонли фойдалана оладиган бўлиши шарт. Бундан ташқари, ҳукумат инклюзив таълим беришни таъминлаш керак, ҳукумат ногирон болаларга бошқалар билан бирга умумтаълим мактабларига боришига имкон яратиб беришга маъсۇл. Конвенциянинг ўзи ижтимоий соҳага йўналтирилган. Бу дегани ногиронлиги бор шахсларга инсон ҳуқуқлари бўйича олиб қараганда бир хил муносабатда бўлиш керак ҳамда уларни касалланд одамлар қатори қабул қилиб бўлмайдиган дегани аниқлаштирилади.

БМТ ногиронлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш конвенциясида 51 модда бор. Ратификация бўлган куннинг эртасигаёқ конвенция ишлаб кетмайди. У энг муҳимларини амалга ошириш билан ишлаб туради. Натижада ногиронлиги бор шахсларнинг ҳаёти яхшилана бошлайди. Конвенция қабул қилиниши билан ногирон инсонларда меҳнат, таълим ва тиббий хизмат борасида соғлом одамлар билан тенг имкониятга эга бўлиш умидлари пайдо бўлди. Жисмоний имконияти чекланган одамлар учун аниқ бўлган нарсалардан — инфраструктура билан таъминлашдан бошласак яхши бўлар эди. Уларнинг аксарияти ўз муаммоларини шуларнинг йўқлиги билан боғлашади, қандайдир сиёсий қарорлар билан эмас. Улар учун муҳими бу — маиший ҳаётини яхшилаш масаласи.

Ўзбекистонда ногиронлиги бор инсонларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида қонун-қоидалар мавжуд бўлсада, аслида бу одамлар инфратузилма ва оммадаги стереотиплар тўғрисида жамият фаолиятида тўлиқ иштирок эта олишмайди. Ногиронлиги бор инсонлар “муаммо” эмас, балки “жамиятнинг тўлақонли қисми” бўлиши учун Конвенция жуда зарур. Унинг мақсади — барча фуқаролар учун ўз ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланишда тенг имкониятларни берадиган инклюзив жамият яратиш. Конвенция давлатнинг барча дастурларда ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш ва уларнинг ҳаётининг барча соҳаларига ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг барча масалаларида иштирок этишларини таъминлаш мажбуриятини белгилайди.

Шерзод СОДИҚОВ,
Жаҳонгир КАБИРЖОНОВ,
Халқ демократик партияси Марказий
Кенгаши маъсۇл
ходимлари.

**O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASIDAN
KO'RSATILGAN**

NOMZODLARGA OVOZ BERING!

Адабий ришталар

Гекё Маринай:

“ШОИР АВВАЛО ШАХС БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ!”

Асли келиб чиқиши албаниялик бўлган АҚШ шоири Гекё Маринай 1965 йили Албаниянинг Мальеси шаҳрида туғилган. Шеърининг постмодернизм йўналишида ижод қилувчи Маринай тилшунослик бўйича фан доктори, ёзувчи ва протонизм таълимоти давомчиси ҳисобланади. 2001 йилдан бўён Албан-Америка Ёзувчилар уюшмаси раиси ва айна пайтда Техас университети профессоридир. У ушбу университетнинг таржима факультети қошидаги “Mundus Artium Press” нашриёти раҳбари сифатида дунёнинг кўплаб шеърят вакиллари ижод намуналарини инглиз тилига таржима қилиниши ва нашр этилишида ташаббус кўрсатиб келмоқда.

Гекё Маринай таржимон сифатида бир қанча албан шоирларининг асарларини ҳам инглиз тилига ўйрган. Жаҳоннинг кўплаб адабий муфотларига лойиқ деб топилган. Бугунги кунда унинг назариялари Америка ва Европа университетларида дарслик сифатида ўқитилади. “Мени тарк этма”, “Кўзунинг акс тарафи”, “Чексизлик”, “Яқшанба ибодати”, “Сир сақланмас нарсалар” каби китоблари нашр этилган. Куйида узоқ океан ортидаги диёрда яшаб ижод қилаётган адиб билан суҳбат “Hurriyat” муштарийлари эътиборига ҳавола этилмоқда. Зеро, адабиёт чегара билмайди.

— Жаҳон адабиёти ва шахс. Сиз бу икки тушунчани қандай бирлаштирасиз?

— Дунёни англаш бадий адабиёт мутлааси ва уни ўрганиш асосида шаклланади. Шу ҳисобда, биз маданийликлар учун Ўзбекистон ҳам нафақат тарихий, балки адабий объект сифатида намоён бўлади. Ўзбек адабиёти ўз маданиятининг бадий ила қоритирадиган адабиёт эмас. Унда жаҳоний руҳият ҳам мужжасам. Очиғини айтсам, мамлакатингиз адабиёти билан дастлаб “Китоб дунёси” газетасида эълон қилинадиган материаллар орқали танишганман. Бу жуда катта аҳамиятга эга, чунки дунё адабий манзараси ўзбек адабиётисиз тўлиқ бўлмайди. Ва яна Ўзбекистонда қатор нашрлар борлигини яхши биламан. Жумладан, “Hurriyat” газетаси. Ушбу номда Туркияда чоп этиладиган машҳур газета ҳам бор. Унда ҳам менинг интервьюни беришган. Бу суҳбатимиз Ўзбекистондаги мустакил нашр учун уюштирилаётгани мени янада қувонтирмоқда.

— Жаноб Маринай, маълумки, Сиз Даллас университетига ёшларга таълим берасиз. Ижодкорнинг мураббийлик қилишига қандай қарайсиз?

— Ўз билимларимни шогирдларимга ўлаштириш мен учун шараф. Муайян мавзунинг ҳар томондан тушуниш ва унинг моҳиятини талабаларга етказиш масъулияти сизни яхши ўқитувчига айлантиради. Аммо мен янада кўпроқ ҳаракат қилишга уринаман, бу менинг ўқувчиларимга нафақат ўзим ўқитаётган мавзу билан чукор танишиш, балки унга иштиёқ-ла ёндашиш имкониятини яратди. Акс ҳолда, талабалар турли ҳаётий тажрибаларни муваффақиятли ўлаштиришлари керак бўлган соғлом билимлар базасидан маҳрум бўлади.

Албаниядаги дастлабки 25 йиллик, Черногория ва Сербиядаги 1 йиллик, Америкада ўтган 28 йиллик ҳулосаларим баъзи бировлар мантиқий деб ҳисоблаган жиҳатлардан кўпроқ маънога эга, деб ўйлайман. Мен олган университет дипломларининг сони, мен олган Сум Лауде унвони, сазовор бўлган адабий мукофотларим, нашр этилган китобларим ва бошқалар мен учун аҳамиятли. Аммо буларнинг барчаси иккинчи даражали. Мени инсоният манфаати учун нима қила олишим мумкинлиги кўпроқ қизиқтиради.

— Протонизм назариясини қандай изоҳлайсиз?

— Протонизм назарияси адабий танқид орқали салбий ва ижобий фикрларга ёрдам беради. Протонист танқидчи матн билан тўқнашганда, аввало, асарда эстетик, интеллектуал ва ахлоқий аҳамиятга эга бўлган жиҳатларни ўз шартлари бўйича қидиради. Агар танқидчи учун асар аҳамият катта аҳамиятга эга бўлмаса, уни шунчаки бир четта суриб қўйгани маъқул — ўқувчилар аудиториясига субъектив риторикани намойиш қилгандан кўра, бу билан боғлиқ ҳар қандай муҳамама рад этгани маъқул. Протонизм — бу физикадан олдинги метафора. Протонист танқидчи ўзгармас оғир ва ижобий протонни қабул қилади. Протонизм назарияси бешта асосий принципларни ўз ичига олади: ҳақиқат, тергов, реституция, протонисмотика ва ахлоқ.

— Ватанингиз Албания ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Парвардигор камол топишим учун қобилият ато этди. Уша даврнинг коммунистик тузуми адабий-бадий ижоддан кўрққан ва ҳар бир муаллифнинг атрофига қалин туманли чегаралар қўйган. Бу чегаралардаги шеърий салоҳиятим эса ҳаракатларимни назорат қилишим мумкинлигини кўрсатди. Уша ондан бошлаб ҳаётим шу қадар тубдан ўзгариб кетдики, эҳтимолки, ҳаётимда биринчи марта хатти-харакатларим мени назорат қила бошлади. Қисқа вақт ичида мендаги олам апокалиптик тус олди. Ҳақиқат менинг борлигимни қоронғу тунга айлантди. Ички “термодинамика”м мендаги виртуал “қоронғулик”ни 1990 йил 12 сентябрга ўтар кечаси табиий қоронғулик эканлиги ишонига мажбур қилди. Биз тунги саёҳатчиларга айланган ва хайриятчи, эрталаб Подгорицада “ёруглик” топдик.



— АҚШга муҳожиротга келганингиздан сўнг нималар ўзгарди?

— Юз бериши мумкин бўлган тарихий ёки сиёсий вазиятдан қатиб назар, ўз мамлакатингиздан қочиб кетиш ҳар доим душвор бўлган. Менинг вазиятимда, у ички оловнинг икки турига мос келади, бу қандайдир тарзда гуноҳ ҳисси ва муаллифлик жавобгарлиги билан боғлиқ. Иккаласи ҳам мураккаб ҳиссий ва интеллектуал босимларга дучор бўлади. Ушбу ҳодиса ички хабардорлик ва камситувчилар нуктаи назаридан. Мен ишонманки, руҳ инсоннинг орау-истаклари билан туғилади ва шаклланади; кейин ўтмиш воқеаларига гувоҳ сифатида ижодкорликда қайта туғилади. Акс ҳолда бу мустакил равишда содир бўлади.

— Америка ва Албания...

— Албания ва Америка кўп жиҳатдан икки хил ҳаёт парадигмасига ўхшайди. Аммо мен учун бу икки чегарани бирлаштириш қийин эмас. Мен ёшлагимдаёқ Албанияни тарк этдим, оилавий меҳр-муҳаббат ҳаммиса галамба қозонишига ишондим. Чунки биз қачон қарама ҳаёт қийинчиликлари дуч келдик. Қўшнилари билан, оиламга кўрсатган меҳр-муҳаббатни шунчалик мустаҳкам эдикки...

— Сиз учун ижодкор ким?

— Бу савол кўнча ва мураккаб фалсафий мунозаранинг бир қисмидир. Мен буни қайси воқеа-ҳодиса олдин ўзимга таъсир қилганини сўраш билан баробар, деб тушунаман. Мен ижодкор психологик эволюциясини ривожлантириши билан чекланмаслигини англадим. Бунда шахсий талабларнинг поэтик салоҳиятга ўз-ўзидан аксини таъминлай оладиган маънавий заифлик омилли ётади. Ушбу ғоя стилистик ёки ахлоқий кўринишга эга бўлса ҳам, у инсон гузаллик борасида табиатга интилишидан келиб чиқади. Мен ўзимни шеъринг тарзда ифода этишни хоҳлаганман, эҳтиёж-

ларим эса ўша шоирлик билан бошланган ва шу билан тугайди. Саволнингизнинг марказий қисмига келсак, бунга аниқ жавоб беролмайман. Мен бирон-бир нарсани объектив равишда ифодалашга ҳаракат қилишдан олдин, кўриб чиқилаётган мавзуга нисбатан онгли равишда ифода этиш эҳтимоли камда вақоқликнинг ижобий томонларини акс эттирадиган бир ёки бир неча имкониятларга эга бўлиши кераклигини тушунаман.

— Ижодкорнинг шахс сифатида шаклланишида оиласи қандай роль ўйнайди. Бунга қандай қарайсиз?

— Ота-онам ҳаётда ўзлари эришган кўра кўпроқ нарсаларга эришишим учун қўлларидан келганини қилдилар. Яхши таълим олишим уларнинг талабларидан бири бўлди. Аммо ростини айтсам, уларнинг орзуларини рўёбга қаршиш учун қилган ҳаракатларим мен учун қилинган қурбонликлар олдида чиқара. Ота-онам ўрта-ҳол бўлган. Аммо уларнинг зуққолиги жиҳат. Ота-онамга беадад ташаккур. Аслида, улар тўғайли мен умр бўйи изланишга интилиб келмоқдаман.

— Шеърдаги ғоянинг тинчлиги тугуғи қай даражада таъсир кўрсатади?

— Мен ўз шеърларимни ҳаётга таъсир қилишига интиладиётган орбитада жуда аjoyиб оқим бор, ундан мен инсонийлик қувончини ҳис этиш имкониятини оламан. Мен шоирман, ҳақиқат ва ҳукм ўртасидаги экстремист эмасман. Мен ҳозирги дунё адабиётида у ёки бу шоирдан каттароқ шоирман, деб даъво қилмайман, лекин мен барча замонавий шеърининг юқори сифатини тарғиб қилишда фаол бўлишни истайман. Бунинг учун мен дидлар, ранглар, тушунчалар ва шеъринг шакллари билан дунёсини яратишга ҳаракат қиламан, буларнинг барчаси шеърининг ҳамда мен тасвирлаган образларни яхшилаш учун ноёб поэтик дунёни яратишда жуда муҳимдир. Бунга барча одамлар ва барча маданиятлар мавжуд. Мен ўз шеъримда янада аниқроқ маънони топиш учун теран шахсиятни қидираман, бу ерда нафақат турли маданиятларнинг қилма-хиллиги моҳиятини, балки уларнинг ҳар бирида яққол кўзга ташланмайдиган жиҳатларни акс эттиришга ҳаракат қиламан.

Хосият РУСТАМОВА суҳбатлашди.

Тадбир

Инсон борки табиатдан қувват олади

Атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ва қўлайитириш, ер ости ва ер усти бойликларининг тўғри тақсимлаш ва қазиб олиш ишлари ҳукуматимиз томонидан давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Конституциямизнинг алоҳида банди ва бир қатор тегишли қонулар билан ҳам ҳимояланган.

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ташаббуси билан Президентимизнинг “Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда биохилма-хилликни сақлаш ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш тўғрисида сўз юритилди.

Бундан олдинги йиллар муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар маълум “идора”лар тасарруфида бўлиб қолаётганлиги сабаб, уларни самарали бошқаришни таъминлаш ҳамда маъмур соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш имконияти бўлмаётган эди.

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини ошириш, уларни янада ривожлантириш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тасарруфида бўлган Чоққол биосфераси, Зомин, Сурхон, Нурота ва Қизилқум давлат қўриқхоналари, Қуйи Амударё давлат биосфера резервати Давлат экология қўмитаси тизимига ўтказилди. Ўз навбатида қўмита марказий аппарати тузилмасида Биохилма-хиллик ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бош бошқармаси ташкил этилди.

— Ҳозирги кунда Республикаимизнинг табиий ҳудудларини ривожлантириш бўйича “Йул харитаси” ишлаб чиқилган, — дейди Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар бошқармаси бошлиғи Халилулла Шеримбетов. — Шу билан бирга, “2019 – 2022 йилларда Давлат экология қўмитасининг муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларини мод-

дий-техник жиҳозлаш дастури” тасдиқланди. Илмий кадрлар салоҳиятини ошириш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан келишилган ҳолда “Давлат қўриқхоналарида табиат жараёнларининг табиий ривожланишини мониторинг қилиш тартиби” ва “Давлат қўриқхоналарида илмий-тадқиқот ишларини ўтказиш тартиби” ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

Мамлакатимизда 7 та давлат қўриқхонаси, 1 та мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхонаси, 3 та табиат боғи, 11 та табиат ёдгорлиги, 2 та биосфера резервати, 12 та буюртма қўриқхонаси, 1 та Бухоро ихтисослаштирилган “Жайрон” махсус питомниги мавжуд. Шунингдек, 81 та ўрмон хўжалиги қорхоналари бўлиб, уларнинг умумий майдони 11122,2 минг гектарни ташкил қилади. Биохилма-хилликни сақлаш билан боғлиқ МЭТХ ларнинг умумий майдони 13,2 млн. гектарни ташкил этади.

— Ҳозирда Хисор давлат қўриқхонасининг муҳофаза зоналарини ташкил этиш ишлари якунланмоқда, — деб сўзида давом этди Халилулла Шеримбетов. — 2019-2022 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида: “Жанубий Устюрт” давлат қўриқхонаси, “Белтов”, “Оқлетки” ва “Оқдарё – Қозқодарё икки дарё оралиғи” ва “Судочье” давлат буюртма қўриқхоналарини ташкил этиш ташаббусини амалга ошириш бўйича амалий ишлар бошлангани мамлакатимизда она табиатни асраш, биохилма-хиллигини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётганидан дарак беради.

Ўз муҳбиримиз.

Сайлов-2019

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари бирмиз, қўлни-қўлга берамиз!



Бугунги туб ислохотлар сабаб, сиёсий ҳаётимизда ҳам муҳим ўзгаришлар юз берапти. Юрдошларимизнинг ҳуқуқий маланияти юксалиб, қонун, қарор ва давлат дастурларига таклифлар билдира бошлади. Парламент, ҳукумат ва депутатлар олдида долзарб муаммоларни очиқ-ошқор қўйиб, ечимини талаб қилаяпмиз. Яъни, “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” тамойили ҳаётимизда ўз исботини топапти.

“Миллий тикланиш” демократик партияси бу жараёнда “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” ғоясини ўзи учун дастуриламалга айланттирди.

Партия сайловлар арафасида ўз электорати ва хайрихоҳлари талабидан келиб чиққан ҳолда янги Ўзбекистонда янги сайловларни ташкил этишга қаратилган сайлов тактикасини, муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун Йул харитаси, шунингдек, тадбирлар Дастурини ишлаб чиқди. Сайловларда партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига 1 501 нафар, маҳаллий Кенгашларига жами 23 220 нафар номзодлар захираси шакллантирилди. Уларнинг 40 фоизини хотин-қизлар ташкил этди. Бу кўрсаткич 2014 йилга нисбатан 6,7 фоизга ошган.



Партия, шунингдек, жамиятимиз учун энг оғир қўл бўлган масала — тарбияни ўзи учун энг долзарб вазифа сифатида танлаб олди. Зеро, инсон ахлоқи, таълим-тарбиясига аввало оила, ота-она масъул. Аммо ЎзМДП бу жараёнда қўлай шароит яратишга ўзини ҳам жавобгар деб ҳисоблайди.

Шу ўринда, партия тарихида биринчи маротаба сайловолди Платформаси лойиҳасини муҳокама қилишда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан самарали фойдаланганини қайд этиш лозим. Партиянинг Сайловолди платформаси 200 дан ортик туман (шаҳар)ларда 4 448 та туркум уярушувлар, давра суҳбатлари, очиқ мулоқот, видеоконференциялар шаклида турт босқичда жамоатчилик муҳокама-сидан ўтказилди.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Ахборот хизмати.

ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!